

СЎНГГИ УЧ КУН

ХАБАРЛАРИ

Чоршанба



ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИ


Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг олтинчи кўшма йиғилишида икки томонлама савдо-иқтисодий, аниқ лойиҳалар устида ишлаш, қишлоқ хўжалиги, машина-созлик, транспорт, кимё саноати, сайёҳлик сингари бир қанча соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари масаласи муҳокама этилди.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТ

Республика Байналмилал маданий марказида Хитой Халқ Республикаси Миллатлар ишлари бўйича қўмитаси делегацияси билан бўлган учрашувда меҳмонлар мамлакатимиздаги 100 дан ортқ миллий маданий марказлар фаолияти ва юртимизда миллатлараро муносабатларнинг қай тарзда йўлга қўйилганлиги билан яқиндан танишишди ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олишди.

ДЎСТЛИК «ЮКИ»

Тошкент вилояти ахли сув танқислигидан катта иқтисодий зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига 18 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари жўнатишди. Бу хайру эҳсондан биринчи галда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари баҳраманд бўлишди.



Компьютер — тараққиётнинг муҳим омилларидан бири. Бугун юртимизда унинг «тили»ни тушунадиганларнинг сон-саногии йўқ. Компьютерни ўқувчилар билан «дўстлаштирадиган»лар эса, албатта, устозларидир. Бухоро вилояти Жондор туманидаги 20-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари информати-


ка фани ўқитувчиси Ҳаким Рустамов (суратда) раҳбарлигида компьютер сирларини ўрганиб келаётирлар. Тараққиёт талаб қиладиган бу интилиш ўқитувчию ўқувчиларда асло сўнмасин!

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат-лавҳа.

“Миллий истиқлол ғояси: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР”

“Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.

Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти бекиёсдир”.



“Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисола Президентимиз Ислоом Каримовнинг бугунги ҳаётимиз, келажак тараққиётимиз учун ғоятда дол-

(Давоми 2-бетда)

Сизнинг
нашрингиз,
ҳаммаслагингиз —

Ma'rifaat

газетасига

2001 йил учун

обуна бўлишни

унутмадингизми?

Нашр индекси:

Якка обуначилар

учун — 149

Ташкилотлар

учун — 150

Bir tumanda ikki manzara

ҚИШ КЕЛАЁТИР, ҚИЛИЧИН ҚАЙРАБ

ёхуд Китоб туманидаги айрим мактабларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги хусусида

“Ёз ёпинчигингни қўйма, қишда ўзинг биласан”, дейди доно халқимиз. Тўрт фаслни ўзида мужассам этган юртимизга қаҳратон қиш ҳадемай кириб келади. Хўш, бу фаслнинг инжиқликларига қарши жойларда қандай тадбирлар кўриляётир? Илм масканлари эшик ва дераза ромлари қайта таъмирландими, уларга ойналар етарлими? Печлар билан иситиладиган мактабларга зарурий ёқилғи материаллари келтирилдими?

Биз ана шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида октябрь ойи ўрталарида жойларда журналист текширувини ўтказдик. Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Мақсуд Шайхзода номидаги 78-ўрта мактабдамиз. Марказий эшикдан киришингиз биланок, масъ-

улиятли мавсумга тайёргарлик сушт бўлганини сезасиз. Айрим деразаларнинг ойналари йўқ...

Мактаб раҳбари Маҳмуд Каримовдан қишга қандай тайёргарлик кўриляётганини сўраганимизда, у мактаб захирасида 4 тонна кўмир борлигини ва унга қўшимча 1 тонна ўтин ғамланганини айтди. Аслида эса 10 та синфхона ва бошқа ёрдамчи хоналар учун илм масканига 32 тонна кўмир олиниши керак. Ҳозиргача бу зарур ёқилғи мактабга етказиб келинмаган. Айрим синфларда кўмир ёқадиган печлар ҳам йўқ.

— Печлар қачон қурилади, — деб яна савол берамиз раҳбарга.

— Ноябрь ойида, — дейди бир оз ташвишли оҳангда...

(Давоми 2-бетда)

Ўзликни англаш
йўли

3-бет

Икки саҳнадаги
битта қалб

5-бет

Мактаб
мутасаддилари,
тайёرمىсиз?

15-бет

“O‘zbekiston tabiiy
geografiyasi”

16-бет

“Миллий истиқлол ғояси: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР”

(Боши 1-бетда)

зарб аҳамиятга эга бўлган ана шу сўзлари билан бошланади.

Рисола Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларида билдирилган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг устувор тушунча ва тамойиллари ҳақидаги фикрлари асосида тайёрланган. Беш қисмдан иборат бўлган бу рисолада миллий ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда мафкуравий сиёсатнинг ўрни, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш каби масалалар

мухтасар тарзда баён этилган.

Китобда халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсади экани таъкидланади.

Рисола мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, олим ва мутахассислар, шунингдек, бошқа

таълим-тарбия, маданий-маърифий муассасалар ходимларига маъруза ва суҳбат матнлари, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш, дастурлар тузиш учун асосий манба сифатида тавсия этилади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган ушбу рисолада миллий истиқлол ғоясининг барча илмий-назарий муаммоларини батафсил ёритиш мақсади қўйилмаган. Бинобарин, мазкур масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг маъно-мазмунини кенг очиб бериш, бу борада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бериш, махсус дарслик ва қўлланмалар яратиш - ижтимоий фан соҳаси мутасаддиларининг вазифасидир.

(ЎЗА)

ҚИШ КЕЛАЁТИР ҚИЛИЧИН ҚАЙРАБ

ёхуд Китоб туманидаги айрим мактабларнинг кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги хусусида

(Боши 1-бетда)

Мактабда 418 нафар ўқувчига 38 нафар ўқитувчи таълим беришар экан. Айрим ўқувчилар билан суҳбатлашдик ҳам. Жараёнда бу ўғил-қизларда билимга чанқоқлик хислатлари борлигини пайқаддик. Бироқ мактабда дарслик масаласи ҳам тўлиқ ҳал этилмаган экан. Масалан, Барно Файзиеванинг 7-“А” синфидаги адабиёт дарсини кузатганимизда, 26 ўқувчининг 11 нафаридagina дарслик борлиги маълум бўлди. Худди шу синф ўқувчиларида 11 та алгебра, 9 та физика, 5 та Ўзбекистон тарихи, 9 та геометрия дарсликларигина мавжуд, холос. Бунинг боиси нимадалигини билиш учун мактаб кутубхоначисини суриштирдик. Ишқилиб, шу куни кутубхоначи Тўйчи Боймирзаевни умуман топиб бўлмади. Бундай нохуш манзара, лоқайдликни кўриб, тўғриси, кўнглимиз хижил бўлди.

Китоб тумани марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги мактабда эса бошқача, яъни хуш манзаранинг гувоҳи бўлдик. Мактаб раҳбари Мансур Усмонов, илмий бўлим мудирини Башир Камолов, туман ХТБ услубчиси Абдуқаҳҳор Расуловлар келгуси йил февраль ойида ўтказилиши мўлжалланаётган буюк мутафаккир, шоир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш режасини муҳокама қилишаётган экан. Режа бўйича ушбу тадбир февраль ойида “Навоий шарафи яшар муқаддас” мавзусида адабий-муסיқий композицияли кўринишда республика миқёсида ўтказилади. Тадбир куни иштирокчилар турли наму-

навий дарсларни кузатиш имконига ҳам эга бўладилар. Ҳозир тайёргарликнинг дебочаси сифатида мактаб зали, музейи таъмирланаяпти.

Кувонарлиси, мактаб дахлизлари янги ўзбек алифбосида тўлиқ жиҳозланган. Ўқувчиларнинг 80 фоизи дарсликлар билан таъминланган. Бунга ҳомий ташкилотлар билан тил топишиш орқали эришилаёпти. Мактаб кутубхонасининг жами китоб фонди қиймати 876784 (шундан 598808 сўмлик бадий китоблар) сўмни ташкил этар экан. Афсуски, ўқувчиларнинг ташрифи қайд этилган каталогларни текширганимизда кутубхонага ўғил-қизларнинг кам келаётганликлари аниқланди...

Энг муҳими, мактаб жамоаси саъй-ҳаракатлари билан кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўрилган. Илм масканининг иситиш тармоғи шаҳар марказий иссиқлик тизимига уланган. Дераза ойналари бутланган.

Кўриниб турибдики, бир туманда хуш ва нохуш манзара мавжуд.

Ушбу сатрларни ўқиган муштарийлар иш бор жойда камчилик бўлади-да, дейишлари тайин. Тўғри, аммо қишнинг қаҳратони юқорида тилга олинган ўзибўларчиликни кечирмайди. Чунки, бу йилги қиш қаттиқ келиши кутилмоқда. Хуллас, мутасаддилар, 1-мактабга ҳам, ҳали печлари қурилиб битказилмаган 78-мактабга ҳам амалий ва зарурий ёрдамларини кўрсатишлари лозим.

**Абдували ОБИДДИНОВ,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
“Маърифат”нинг махсус мухбирлари**



“Бизга, ўйинчоқ беринг!”, китоб беринг. Келажак ёруғ мамлакатнинг беғубор қалби болаларининг катталарга хитоби шундай. Катталарнинг ҳам истаклари шуки, бу икки кутлуг ният уйғунлиги ҳаёт гўзаллигини таъминлайди.

Жажжи болажонлар Тошкент шаҳридаги 279-мактабда кўп йиллардан буён ишлаб келаётган бошланғич синф ўқитувчиси Матлуба Гаффорова (суратда)нинг умр дафтари безакларидир. Сиз суратда кўриб турган Азизбек Жабборов ҳам ўз нурли келажак томон интилар экан, ҳаётининг дастлабки зиналарини “Alifbo” билан босиб ўтмоқда. Шу кунга қадар минглаб Азизбекларнинг ҳаёт зиналаридан тўғри кўтарилишида суянчиқ бўлган М.Гаффоровага ушбу савобли ишни бажаришда ҳечам толиқманг, деймиз.

Равиль АЛЬБЕКОВ
олган сурат.

ЛИЦЕЙДА ДАВРА СУҲБАТИ

Яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейида “Имом Абу Мансур ал-Мотурудий ҳаёти ва мероси” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида Ислом университети профессори Убайдулла Уватов, лицей директори Шавкат Орипов ва ўқитувчилар, ўқувчилар иштирок этишди.

У.Уватов ўқувчиларга эътиқод қалъасининг посбони ҳаёти, унинг яратган асарлари ҳақида батафсил маълумот берди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди. Бундай суҳбат яқин орада ўқувчилар ҳаётида қайд қилинмаган эди.

Аждодларимиз меросини ўрганиш келажакни ёрқинроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Умид АЛИМОВ

ЯПОН ДўСТЛАРИМИЗ БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда пойтахтимиздаги миллий матбуот марказида бўлиб ўтган учрашувда Японияда таҳсил олган бир гуруҳ ўзбекистонлик ёшлар ва Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда дастлаб талаба ёшлар ўзларининг таассуротлари, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар хусусида гапириб беришди. Мулоқотда элчихона вакиллари ҳам сўзга чиқишди. Улар Ўзбекистон ҳақида илиқ фикрлар билдиришиб, бундан қарийб 2000 йил аввал ҳам Буюк ипак йўли орқали икки давлат ўрта-

сида маданий алоқалар ўрнатилганлигини таъкидлаб ўтишди. Улар маъруза сўнггида ўзбек халқининг меҳмондўстлигини, самимийлигини улуглаб, бу ўзларига хос бўлган ибратли фазилат эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир сўнггида меҳмонлар ва журналистлар ўртасида океан орти мамлакати сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда олиб борилаётган ишлар хусусида ўзаро савол-жавоб бўлиб ўтди.

**Шоира ЖўРАКУЛОВА,
ЎЗМУ тарих факультети
талабаси**

Фарғона шаҳрида 70 дан зиёд маҳалла бор. Уларнинг ҳар бирида ўрта ҳисобда минг нафардан оила истиқомат қилади. Уларнинг оилавий ҳаёти, турмуш тарзи ўзига хос. Кейинги йилларда инсоф, иймон, оқибат, савоб каби фазилатлар

Savob

боши Ҳаким ҳожи Эркабоевнинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан маҳалладаги 4 нафар кам таъминланган оила фарзандларига

бола ҳозир Америкада таҳсил олаяпти. Шу ердан спорт бўйича Ўзбекистон чемпионлари, спорт усталари, мураббийлари етишиб чиққан. Бу билан маҳалладошлар фахрланишади. Шунингдек, мактаб ёшдагилар орасида жиноятчилик кузатил-

ЯХШИЛИККА РАҒБАТ БОР

хусусида кўп суҳбатлар қуриладиган, тўй-маъракаларда ваъз ўқиладиган бўлиб бораёттир. Амалий ҳаракатлар ҳам шунга монанд.

Қурувчи усталар — Эркабоевлар оиласини Фарғона водийсида кўпчилик билади. Улар “Ифтихор” маҳалласида истиқомат қиладилар. Яқинда оила-

хатна тўйи қилиб берилди. Тўй болаларининг ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очилиб, маблағ ҳам қўйилди. Бу сўмлар келажакда уларнинг ўқишига, уйланиш тўйига асқотади. Хуллас, бундай яхши ният, хайрли ишнинг аҳамияти ўтиб бораётган “Соғлом авлод йили”да янада юксакдир.

“Ифтихор” маҳалласидан бир

маган. Аҳил уй, маҳалла, мамлакат хосиятли, обод, даромади кўт-баракали бўлади. Савобли ишга қўл урган, хайр-эҳсон қилган кишиларнинг эса топган-тутгани бундан ҳам зиёда бўлаверади.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз**

Мустақил ватанда эркин, маънавиятли ва салоҳиятли фарзандларни камол топтиришда миллий тарбия муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Ислон Каримов ўз маърузаларидан бирида: "Миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислохотчи бўлишини тан олишимиз керак", деган эдилар. Бугунги кунда ўзбек оилаларида миллий тарбия жараёнини шакллантиришнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш лозим. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган Республика "Оила" илмий-амалий маркази тадқиқотчиси Азиза Мухсиеванинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВ билан суҳбати шу мавзуда.

—Ўткир ака, Сизнинг асарларингиздан ўзбеклик, ўзбекчилик уфуриб туради. Бунинг сабаби нимада?

—Миллий қадриятларимиз, ўтмиш ва келажак оила билан чамбарчас боғлиқ.

"Саккизинчи мўъжиза" деган бир китоб ижод қилиш тўғрисида ўйлаб юрибман. Шунда "ижодкорга қишлоқнинг қалби, шаҳарнинг ақли керак" деган гап бор. Мен қишлоқда, Дўмбировода туғилганман. Бу 1960 йилларгача Зангиота туманига қарашли қишлоқ бўлган. 60-йилдан кейин эса Чилонзор тумани тасарруфига ўтиб, шаҳарга айланган. Ҳозиргача ҳам, у ердаги боғлар, олмасорлар, жийдазорлар кўз ўнгимдан ўтиб туради.

Бизнинг оиламиз оддий, меҳнаткаш оила эди. Отам — ишчи эдилар. Кейин қишлоқда деҳқончилик ҳам қилардилар. Онам фаррош бўлиб ишлаганлар. Бизнинг аждодларимиз — боболаримиз бир вақтлар Ўрта Осиёнинг, Туркистоннинг жуда машхур кишиларидан бўлишган.

Дадамларни — Атоуллохон эшон дердилар, у киши эскича илми ҳам, янгича илми ҳам жуда яхши билардилар. "Ҳофизи Қуръон" деймиз, "Қуръон"ни яхши билардилар. Жуда ҳақпараст, адолатсизликни кўрса кўйиб, жаҳли чиқиб кетардилар.

Ойимлар ўта юш, соф ўзбек аёлларидан эдилар. Хуллас, ўзининг меҳнати билан, озми-кўпми шахсий маблағи билан кун кечирадиган оилада катта бўлганман.

—Болаликда сизнинг тарбиянгизда кимнинг ҳиссаси кўп бўлган, деб ҳисоблайсиз?

—Бола кичкиналигида, кўпроқ онаси билан бирга бўлади. Бола тарбияси билан ўзбек оиласида кўпроқ оналар шуғулланишади. Мен шунақа деб ўйлайман.

Дадамлар сержаҳл одам эдилар, бироқ ҳеч қачон акаларимни ёки укаларимни бирор тарсаки урганларини мен эслай олмайман. Айниқса, қизларга ён босардилар. Барибир биз дадамиздан жуда қаттиқ ҳайқардик. Тўғриси, бизнинг оиламизда ота шахсига сифиниш деган тушунча бўларди. Отанинг шахси жуда ҳам улуғларди. Буни оналар ўргатардилар. Масалан, опамга: "Ховлини йиғиштириб қўй, ҳозир аданг келиб қолади", деб айттардилар. Ёки: "Аданг ишдан чарчаб келади-лар. У соатга тегма, у адангнинг соати, бу кетмонга тегма, ўзининг кетмонингни ишлат, у адангнинг кетмони", дердилар.

Ҳозирги ота-оналарга бу гап "феодализм" бўлиб туюлиши мумкин, лекин мен бундай фикрга мутлақо қўшилмайман. Оилада кимдир идеал бўлиши керак. Болалар кимдандир ҳайқиши керак. Ҳурмат қили-

шигина эмас, ҳайқиши керак. Бизлар дадамиздан ҳайқардик. Оилада ота шахсини улуғлашни ёмон деб ҳисобламайман. Аксинча, тили бир қарич хотинларни ёмон кўраман.

Яқинда инглиз олимларининг тадқиқотини ўқидим. Оилада хотин киши қанчалик кам гапирса, оила шунчалик мустаҳкам бўларкан.

— Болалигингизда қандай ўйинларни ўйнагансиз?

—Албатта, биз болаликда ўйнаган ўйинлар ҳозирги пайтда яна тикланипти-ку, лекин жуда кўп ўйинлар йўқ бўлиб кетди. Масалан, "ланка тепиш" деган ўйин бўларди. Баҳорда "чиллак" ўйини, варрак учирини бўларди. Бу ўйинларнинг ҳаммасининг ўзига хос хусусиятлари бор. "Бекинмачок" ўйнаш мумкин, "қувлашмачок" ўйнаш мумкин.

Баҳорда варрак учирини,

бола тарбиялашида Сизга нималар маъқул, нималар номаъқул?

— Бизнинг ота-оналаримиз бизни яхшироқ тарбиялашган, ҳозирги болаларимиз ўз фарзандларини унча яхши тарбиялай олмаяпти, дейиш адолатсизлик бўлади. Ҳар бир замоннинг ўз талаблари ва муҳити бўлади. Бунга бир томонлама жавоб бериш тўғрима. Бироқ ҳарқалай ҳозирги пайтда бир нарсага ҳайронман — ёшларимизнинг жиндай тезроқ жаҳли чиқадими-ей?

Мисол, ҳозирги келинлар алла айтиш нималигини умуман билишмайди. Иложи бўлса, боланинг бошига бир мушт урсаю ухлатиб қўя қолса. Тўғри, бола алла эшитмасаям ухлайверади. Лекин алла деганининг ўзи жуда катта бир сеҳрли куч. Боланинг руҳига у мансуб бўлган халқнинг руҳий туйғуси алла воситасида киритилади. Келин қайнонаси-дан, онасидан ўргансин алла айтишни. Тўрт сатр аллани ёзиб олиш ҳеч қанақа муаммо бўлмаса керак. Яна айтаман, алла дегани боланинг қалбига миллий руҳ олиб киради. Боланинг қалбига нур, меҳр олиб киради.

— Ҳозир миллатимизга қандай ўғил-қизлар керак, деб ҳисоблайсиз?

—Ҳозирги пайтда бизнинг мамлакатимизга биринчи навбатда, албатта, илмли болалар керак. Лекин бизга ўхшаб оғзадагини олдириб турадиган бо-

қод қондаларини ўрганиш учун берган экан, йигитча галатиноқ бўлиб қолибди. Йигитчага отанинг сиздан жиндай ранжияптилар. У кишининг дуосини олинг, ота-онангиз, сизга ҳаёт берган, десам, кўзини лўқ қилиб, мени ота-онам эмас, Худо яратган, ота-онам воситачи, холос, дейди! Албатта ҳамма нарсани Худо яратган. Гулния, тиканиям. Одаманиям, ҳайвониям!

"Қуръони Карим"да ҳам, "ота-она воситасида сизни дунёга келтирдик", деган фикр бор. Бироқ бу дегани "ота-онанг ҳеч ким эмас" деганимас-ку. Шуни тушунтирсак тушунмайди. Шуни айтиш жоизки, бундай ёшларни чалғитадиган ёвуз кучлар мавжуд.

Улуғбекни ўз боласининг қўли билан ўлдиртирган ҳам шулар. Насимийнинг терисини тириклайин шилдирган ҳам шулар. Ибн Синони "кофир" деб эълон қилган ҳам шулар. Машрабдек буюқ шоирни дорга тортирганлар ҳам шу "фанатиклар" бўлган.

Одам намоз ўқиса, албатта, жуда яхши. Аммо у намозни ўзи учун ўқийди. Ҳажга борса, ўзи учун бориб келади. Рўза тутса, ўзи учун тутди. Лекин диний китобларнинг бирортасида одам ота-онасини тан олмасин, илм олмасин, деган гап айтилган эмас. Аксинча, муқаддас

ўзи ҳам ҳаракат қилиши даркор. Мактабинг қаёққа қараб турибди, деган гаплар эскириб кетди. Мен ўзим қаёққа қараяман, дейиши керак. Мактаб ҳам ўз вазифасини бажаради, албатта. Лекин бола учун биринчи масъул мактаб эмас, ўқитувчи ҳам эмас, ота-она бўлади.

— Инсондаги қандай фазилатларни яхши, нимани ёмон кўрасиз?

— Мен одамдаги самимиетни, изчилликни яхши кўраман. Бир ишга киришгандан кейин уни охиригача етказиш зарур деб ўйлайман. Бундан ташқари, одам икки юзламачи бўлмаслиги лозим. Одам ҳалол бўлиши керак. Шунда у ҳақиқатни ҳимоя қила олиши мумкин.

Уддасидан чиқолмайдиган иш учун ваъда бермаслик керак. Қўлидан келадиган ишни ваъда бермасдан ҳам қилиш мумкин.

Одам ҳақиқатгўй, ростгўй бўлиши керак. Ушанда ҳеч нарсадан кўрқмайди. Бориға шукур қилиш ва назари тўқлиқни ҳурмат қиламан.

Энг ёмон кўрганим ҳасадгўй одамлар. Афсуски, мен ҳаётда ҳасадгўйлардан кўп панд еганман. Атрофимда катта-кичик, ҳасадгўйлар асабимга тегиб, кўп азоб беришди. Ҳозир ҳам қолган уларнинг асорати.

Мунофиқ одамларни жиним суймайди. Кап-катта, туппа-тузук ҳурмат қилиб юрган одамларим гоҳо мунофиқ бўлиб чиқади. Мунофиқлик ҳақида Шарқда ҳам, Фарбда ҳам ривоят бор. Шарқдаги бир ривоятда айтилишича, бир бегуноҳ одамни тутиб олиб, сазойи қиладиган бўлишибди. Уни дарахтга боғлабдилар, назоратчилар қараб туришибди. Биров келиб юзига тупурибди, биров тарсаки тортибди, биров кесак отибди, биров тош отибди.

Оломон ичида унинг энг яқин сирдош дўсти ҳам бор экан. Биладика, дўстида гуноҳ йўқ. Бекордан-бекорга сазойи қилинмоқда, тухматга учраган. Нима қилишини билмабди. Дўстининг сазойи қилинишида қатнашмасликнинг ҳам иложи йўқ. Сўкай деса, сўка олмайди. Тош отай деса, дўсти. Этагининг баридан чигитдай пахтани суғуриб олиб, бир урган экан, ҳар хил сўқиш ва ҳақоратларга, тошга, кесакка бардош берган одам, жиндай пахта юзига текканда "дод" деб, ҳушидан кетган экан. Чунки уни дўсти отди-да!

Бировнинг ютуғидан ранжийдиган, гаши келадиган одамларни ёмон кўраман. Нима учун, бировнинг ютуғидан қувона билмаслик керак. Айниқса, ижодкор одам. Умуман, ижодкор одам бағрикенг бўлиши керак. Талантни ҳурмат қилиш керак. Унга ҳасад эмас, ҳавас билан қараш керак.

— Ўзбекистоннинг Буюк келажигини қандай фазилатли ўғил-қизлар кура олади?

— Мамлакатимизга, биринчи навбатда, ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом, илмли, истеъдодли, замонавий тарбия олган ёшлар керак.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. Соғ, омон бўлиб, солиҳ фарзандларингизнинг ҳузурини кўринг.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

ўзимга шу қадар ёқадики, яқинда ҳам, бундан 10-15 йил илгари ўғлимни, қизимни гуруҳдошларини қирларга олиб чиқиб, ўзим варрак ясаб, эрталабдан кечгача лозазор даштларда варрак учириб ўргатганман.

Бундан ташқари, табиийки, мен футбол ўйнашни яхши кўрганман. Ҳалиям, яқин-яқинларгача футболдан ўзимни тийиб туролмасдим.

Ҳарқалай, ўйин дегани бу шунчаки кўнгилхушлик эмас, у маълум маънода болани жисмоний бақувват қиладиган, ҳаракатга, топқирликка ўргатадиган бир восита, деб ўйлайман.

— Сизнинг тарбиянгизда бобо-бувингизнинг иштироки қандай бўлган?

—Афсуски, мен бобомни ҳам, бувимни ҳам эслолмайман. Чунки мен туғилганимда улар вафот этиб кетишган экан. Кексароқ аммаларим бўларди. Иккита аммам бор эдилар. "Дунёнинг ишлари"да битта аммам ҳақида ёзганман. Аммам бир гапни кўп айттардилар, бу жудаям жиддий масала.

"Одамнинг иккала елкасида иккита фаришта ўтиради. У дунёга борганинда, улар гуноҳ ва савобларининг ҳисоблаб чиқишади. Ўнг елканда ўтиргани, қилган савоб ишларининг ёзади. Чап елканда ўтиргани гуноҳларининг ёзади. Савоб ишни кўп қилган бўлсанг, жаннатга тушасан, гуноҳ ишни кўп қилган бўлсанг, дўзахга тушасан". Бу гапнинг тагида жуда чуқур маъно борлигини 50 ёшга киргандан тушунганман.

Кексаларнинг борлиги ҳар битта оила учун жуда катта бахт. Чунки улар оиланинг фариштаси.

— Ҳозирги ота-оналарнинг

лалар керакмасга ўхшайди? Бизнинг авлодимизнинг тарбияси бошқача бўлган. Биз анча ювошроқ бўлганмиз. Сал бошимизни кўтарганда, "мўмин бўлгин, қобил бўл" дейишган. Мўмин-қобиллик ҳам керагу, менимча, эртанги замонга шижоат кўпроқ керак!

Тўғриси, баъзан мен ўғлимни ҳам, қизимни ҳам ўта андишани қилиб тарбиялаганимдан афсусланаман. Кимдир қўлидагини юлиб кетсам, ҳа энди майли, дейишади. Бундай қилмаслик керак. Болаларимиз ўз ҳаққини талаб қила билиш, ҳаққини бировга бермаслик керак, деган руҳни ўрганиши керакдек туюлади. Бошқа чора йўқ шекилли.

Ҳозирги болалар илмдан узоқлашиб кетаяпти. Бу катта фожиага олиб келади. Китоб ўқишмайди. Телевизордаги олди-қочди киноларни кўради. Китоб ўқишдан эринади. Ўқиган одам ўйлайди. Афсус, баъзилар ўйлашмасликка кўникиб кетишмоқда.

Ҳозирги ёшларимиз онгида "вакум" пайдо бўлиб қолди. Вакуум бўлгандан кейин, тоза ҳавонинг ўрнига захарли ҳаво олиб кирувчи кучлар мавжуд — "вахҳобизм" деймизми бошқами, болаларни шунақа манқуртга айлантириб қўядики, қўяверинг. Бундай ёшларнинг кўзига қарасангиз, кўзида маъно йўқ. Ўзи сизга қараб турадию, худди ҳавога, бўшлиққа қараганга ўхшайди.

Шундай йигитчалардан бири билан бўлган суҳбат менда жуда оғир таассурот қолдирган. Ота ўғлидан шижоат қилиб келди. Боласини аллақандай имом-хатибга Қуръон ўқиш, диний эъти-

китобларда ота-онани эъзозлашга даъват этилган.

— Сизнингча, 2000 йилда 20 ёшга кирган ўғил-қизларда қандай сифатлар кўп учраяпти?

— Ҳозирги болаларимизда тафаккур ўзгарди. Миллий туйғуларга ва тилга нисбатан муносабат ўзгарди. Бу яхши гаплар. Булар бизнинг ютуғимиз. Буларнинг барчаси мустақиллик ша-рофати.

Яна айтаман, афсуски, болаларимиз кейинги пайтда китобдан узоқлашишяпти. Илми саёз. Бундан ташқари, иложи борича осонроқ пул топишнинг йўлига ўтиб кетаётган болалар кўп.

Бунинг бошқа сабаби ҳам бор. Оилада тақчиллик бўлганидан кейин, мол боқадими, бозорга олиб бориб сотадими, пепси-кола сотадими, умуман меҳнат билан пул топишга ҳаракат қилган болани мен қораламайман. Аммо боланинг биринчи галдаги вазифаси, барибир ўқиш бўлиши керак.

Японларнинг бир шиори бор: "Ўзимиз оч қолсак ҳам болаларимизни ўқитамиз". Ҳақиқатан ҳам улар 50-йиллардаёқ болаларини Францияда, Англияда, Америкада ўқитишган. Японларнинг яна битта шиори бўлган: "Денгиздан балиқ тутиб келиб боланга едирсанг, бир кун боқасан. Болангнинг ўзини балиқ тутишга ўргатсанг, бир умр боқасан". Ана шуларни ўрганишимиз керак, шекилли.

Зеро, Юртбошимиз Ислон Каримов жуда тўғри таъкидлаганидек, биздан кейинги авлод, бизга нисбатан бахтлироқ, бадавлатроқ яшаши керак. Бунга, биринчи навбатда, ота-онанинг

КЎЗГУ ХИРА ТОРТМАСИН

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 11 йил тўлган бўлса ҳам кўпгина камчиликлар бартараф этилмади. Бундай камчиликларга ким айбдор? Албатта ўзимиз.

Чунки бизда тилнинг аҳамиятини ҳали ҳамма ҳам англаб етгани йўқ. Баъзи кишиларимизда тил ҳақида умуман тушунча ҳам йўқ. Тил миллатни англаётганини кўпинча тушунмаймиз. Биргина мисол: савдо расталарида катта-катта ҳарфларда хориж тилида ёзилган ёзувларни кўрамиз-у нега ўзбек тилида ёзилмаган деб ўйламаймиз. Савдо хўжайинлари гўёки хорижий тилда ўз маҳсулотларини реклама қилаётгандай, аслида улар чет тилини реклама қилаётдилар.

Яна бир мисол келтирсам. Мен ижарада турган хонадон соҳиби ўзбек киши бекаси рус миллатига мансуб аёл. Хонадонда рус тили ҳукмрон экан. Хонадон соҳибаси ўзбек тилини билмайди. Бир куни бу аёлдан нима учун ўзбек тилини ўрганмадингиз деб русча сўраганимда, тўсатдан саволимга: "Сен нима учун менга ўзбекча гапирмаясан" деб савол билан жавоб берди. 40 йилдан буён турмуш ўртоғим билан яшайман, лекин у бирон марта ҳам ўзбек тилида гапирмаган. Агар ҳар куни бир до-

Ona tilim-jonu dilim

надан сўз ўргатганда ўзбекча ишлатилганда, деб давом этди суҳбатдошим. Бу жавоб замиридан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Бундан кўриниб турибдики, айбни аввало ўзимиздан излашимиз керак.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилини бузиб ишлатилиши ҳам кишининг энсасини қотиради. Бундай сўзлар ёш хонадаларнинг кўшигида ҳам учраб қолмоқда. Масалан, хонанда Бонунинг "Афсона" кўшигидаги "ўт-бўтин" деган сўздан нимани англаш мумкин? Тилнинг бузилиб айтилиши ҳам тилга ҳурматсизликнинг бир белгисидир. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун ҳаммамиз ҳаракат қилайлик.

Шерзод АХМАТОВ,
«Маърифат» мухбири

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетидеда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 11 йиллиги муносабати билан катта анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда Олий Мажлис қошидаги фан, маданият ва спорт қўмитаси раиси Н.Жўраев, университет ректори муовини Г.Боқиева, филология фанлари номзоди, доцент С.Султонсаидова, докторант И.Умиров ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги кундаги ўзбек тили, унинг мартабаси, тилимиздаги топонимик номлар ва ҳозирги даврада матбуотда ишлатилаётган атамалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тилимизга Давлат тили мақоми берилганлигига 11 йил тўлиши муносабати билан пойтахтимиздаги 79-мактабда таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўртасида Тил байрами кўриктанлови ўтказилди. Бундан ташқари, шу ҳафтада Чилонзор туманида ўзбек тилининг ўқитилишига бағишланган конференция, Ўзбекистон халқ шоираси Турсуной Содикова билан учрашув ҳам бевосита байрам билан боғлиқдир.

Фарход ИРДАШЕВ,
Баҳодирхон ЭЛИБОЕВ,
«Маърифат» мухбирлари



Уйимиз катта йўл бўйида жойлашган. Йўлнинг у юзида эса амакимнинг уйи. Машиналар тинмай катнаб турадиган йўлда турли фалокатлар бўлиши табиий. Замон тезкор, автомашинаси бор одамлар эса замондан-да учқур бўлишга ҳаракат қиладилар.

Бир куни уйдан тасодифан чиқиб қолиб бир воқеанинг шохиди бўлдим. Амакимнинг 3-синфда ўқийдиган қизи Маҳмуда елиб келаётган машинага ҳам қарамай, кўзларини чирт юмдида, югуриб йўлни кесиб ўтди. Уни ўша заҳотиёқ сўроққа тутат бошладим. "Неча

Дастлаб иштирокчиларни мактаб директори Г. Каримова бу даргоҳда мавжуд бўлган автошаҳарча билан таништирди. 1968 йилда болгариялик қурувчилар томонидан қурилган мактабда ҳар томонлама қулай, давлат стандартларига жавоб берадиган светофорли автошаҳарчанинг борлиги барчани қизиқтирди.

Сўнгра меҳмонлар 7-синфда ўтилаётган "Ҳаракатланиш хавфсизлиги" дарсида бўлишди. Болалар йўлларда ҳаракатланишни қай тарзда билишларини, йўл белгиларининг қандай мақсадда қўйилиши ва света-

ши иш бошлади. Йўлишни халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссияси"нинг 2000 йил 5 сентябрдаги йўлишида берилган топшириққа биноан, вазирлик ишчи гуруҳи томонидан Навоий, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятлари халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси фаолияти ва шу ҳудудлар мактабларида "Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидалари"дан машғулотлар ўтказиш аҳволи ўрганиб чиқилди. Бу ҳақда ушбу комиссияга раҳбарлик қилган С.Алиев атрофлича тўхталиб ўтди.

Барча текширилган мактабларда "Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидалари" бўйича машғулотлар дарслар жадвалига киритилмаган ва тарбиявий соатларда ўтилмоқда. 17 соатлик дастур ва ўқув режалари йўқ, машғулотларни алоҳида ўқитувчи эмас, балки синф раҳбарлари ўтказмоқдалар. ЙХХК ўқув хонаси, автошаҳарча ва автомайдонча ҳам йўқ.

Ўрганилган вилоятлар халқ таълими бошқармаларида ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида вазирликнинг 1998 йил 7 сентябрдаги

қоракўз ҳалок бўлган, 179 нафар бола жароҳатланган.

Йўлишида аччиқ ва алам-ли гаплар айtilди. Текширилган вилоятларнинг бирортасида ҳам автомайдончаларнинг йўқлиги қайта-қайта таъкидланди. Айниқса, гавжум ҳамда машиналар билан тўлиб-тошган Тошкент шаҳрида "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари" фанига панжа орасидан қараш ҳолати кечирилмас ҳолдир.

Сўзга чиққан вилоят вакиллари йўл қўйилган камчиликларни тез кунда ҳал этиш ҳақида ваъда бердилар.

Шунингдек, йўлишида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ўрганишга мўлжалланган 17 соатлик янгиланган ўқув дастурини дарс жадвалига киритишни тўлиқ таъминлаш, 1—4-синфларда синф раҳбарлари, 5—8-синфларда мутахассис ўқитувчилар дарс ўтишини қатъий назорат остига олиш, ҳар ой натижалари бўйича болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш, 1999 йил 6 октябрдаги 10/2 сонли "Ўзбекистон республикасида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган Дастурнинг бажарилиши ҳақида"ги ҳайъат мажлиси қароридеда ҳар бир шаҳар, туманда автошаҳарча, ўқув муассасаларида

ЙЎЛИНИНГ РАВОН, УМРИНИНГ ЗИЁДА БЎЛСИН, БОЛАЖОН!

марта айтаман, йўлни кесиб ўтаётганимда чапга, ўнгга қара, машина йўқлигида ўт, деб, нимага йўлга қарамадинг, машинани кўрмадингми, йўлдан қандай ўтишни билмайсанми, ўзи мактабда ўқитувчинг йўлдан қандай ўтишни ўргатадингми?" Ахир мактаб ўқувчиларининг аксарият қисми шу йўлни кесиб ўтиб мактабга қатнашади-да. Ҳамма саволларини индамай эшитиб турган жияним, охириг саоволдан кейин "Йўқ", деб жавоб берди. Шундан сўнг унга обдон яна йўл ҳаракатини ўзим билганимча тушунтирдим. Шу воқеадан кейин мактабларда йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларининг ўқитилиши яхши эмаслиги, баъзи раҳбарлар бунга бефарқ қарашлари ҳақида ўйлаиб юрган эдим.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари деган сўзни эшитган киши беихтиёр кўз олдига болаларни келтиради. Фарзанд умр чироғи, хонадон файзи. Бахтсиз тасодиф туфайли жароҳат олган ёки ота-онасини зор қақшатиб вафот этган болалар озми? Йўл ҳаракатининг бузилиш ҳолларида кўпинча ҳайдовчиларни айбдор деб ҳисоблаймиз. Аслида эса, серқатнов кўчаларда ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмай, кўча ҳаракати қоидаларини бузди-ганларнинг аксарият қисми йўловчилардир.

Яқинда Тошкент шаҳридаги 9- тарих фанига ихтисослашган мактабда Республика халқ таълими вазирлигининг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг кенгайтирилган йўлиши бўлиб ўтди. Унда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов, вазирликнинг бошқарма бошлиқлари ва Навоий, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ХТБ ҳамда Тошкент шаҳар ХТББ бошлиқ муовинлари иштирок этишди.

форнинг вазифаси ҳақида савол-жавоб тарзида аниқ ва лўнда гапириб беришди. Бу мактабда бошланғич синфлардан бошлаб 8-синфларгача ушбу дарсни ҳар ойда икки марта ўтишар, бошланғич ва юқори синфлар учун биттадан ўқув хоналари "Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги" фани учун жиҳозланган экан.

Мактаб директори Г.Каримова: «Мактаб серқатнов йўл юзасида жойлашган, ўқувчилар ҳам шаҳарнинг турли бурчакларидан келишади, лекин шундай бўлса-да, ўтган беш йил давомида мактабимиз ўқувчилари орасида ҳали бирор марта йўл ҳаракати қоидаларини бузган, бахтсиз ҳодисага учраган ўқувчи бўлмаган» дея, мамнуният билан таъкидлади.

3-синф ўқувчилари ҳам муаллиманиннг йўл ҳаракатига оид бўлган саволларига бийрон-бийрон жавоб қайтаришди.

Шундан сўнг ҳайъат йўлиги

168-сонли "Таълим муассасаларида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишларини яхшилаш ҳақида"ги буйруғи бажарилмаган.

Ачинарли аҳвол шундаки, ушбу масала халқ таълими бошқармалари раҳбарлари эътиборидан четда қолган ва назорат қилинмаган.

Ўтган 1999 йилда болалар иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 2130 та бўлиб, ҳалок бўлган болалар 325 нафар, жароҳат олган болалар 1792 нафарни ташкил қилган бўлса, бу йилнинг 9 ойи яқунларига кўра, содир бўлган 1992 та йўл-транспорт ҳодисасида 1882 нафар бола жароҳат олган ва 284 нафар бола бу ёруғ дунё билан видолашган.

Вилоятлар орасида Самарқанд вилояти йўл-транспорт ҳодисаси бўйича етакчилик қилаётир. Бу вилоятда болалар ўртасида 206 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган бўлса, 35 нафар

автомайдонча барпо этиш бўйича берилган кўрсатмаси йил охиригача тўлиқ бажарилиши, ички ишлар вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича семинарлар ўтказиш белгилаб олинди.

Биз келажакда буюк давлат қуриш йўлида ҳаракат қилар эканмиз, шу нарсани унутмаслигимиз керакки, буюк давлатни соғлом, бақувват, жисмонан етук фарзандлар яратади.

Фарзанднинг порлоқ келажак, истиқболи учун ота-она билан бирга халқ таълими ходимларининг барчаси масъулдир.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Суратларда: 9-ўрта мактаб ўқувчилари дарс пайтида.

В.Кириллов олган суратлар.



Кумушбиби ва Отабек... Армонга айланган муҳаббат! Энг сохир, беҳад бокира ва ўта самимий туйғуларни ўзида мужассам этган муҳаббат! У ўтмишда қолди, аммо бу севгининг нидоси ҳамон юракларда акс-садо беради. Бир-бирига тўёлмаган Кумушбиби ва Отабек тақдирига ҳамон қуямиз, хануз йиғлаймиз, ҳалигача аф-сусланамиз!

У ўз мухлислари қалбида Кумушбиби — Отабекнинг севиқли маҳбубаси бўлиб яшамокда. Бу — унинг ўз “мен”идан афзал туришини исботлаб қўйгандек. Зеро, актёр учун юзлаб ролларнинг “чўққиси” бўлган маълум бир образ қиёфасида мухлислар қалбига киришдан кўра ортиқ бахтнинг ўзи бўлмаса керак.

Саҳифамизнинг бугунги меҳмони Кумушбиби бўлиб, минглаб томошабинлар қалбини забт этган гўзал актриса, Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамиловадир.

—Сизнинг исми-шарифингиз Гулчехра Жамилова. Саҳнадаги ёрқин юлдузлардан биридиз. Лекин сиз минглаб мухлисларингиз қалбида Кумушбиби бўлиб яшайсиз. Назаринда, сизнинг ўзингиздан ҳам ана шу яратган образингиз устун тургандек туюлади.

—Ҳар бир касбнинг ўзига хос хислати, машаққати бор, жумладан, актёрликнинг ҳам. Очиғини айтишим керак, актёрликнинг турган-битгани машаққат. Рол, барибир рол. Аммо уни ижро этиш, томошабинга етказиш учун актёр ўз “мен”ини унутиши, ундан чиқиб кетиши керак. Актёр ва актрисалар ҳаётида унинг ўз “мен”и ва образлари мавжудки, таъбир жоиз бўлса, улар икки дунёдаги битта қалбдир.

Кумушбиби ролига келганда эса, мен ҳам ўз “мен”лигимни йиғштириб, ҳаттоки, батамом унутиб ўйнаганман. Ана шу чегарани ёриб ўтишга муваффақ бўлибманки, Кумушбиби сифатида мухлислар қалбига кирдим.

Лекин яратган образларим, хусусан, Кумушбибидан ҳам мен ўзлигимни юқори қўяман. Чунки менинг мавжудлигим ана шу гўзал сиймони яратишга шароит тугдирди. Демак, актёр учун ўзининг шахси ҳар доим юқори туриши керак. Актёр ёки актриса қатор-қатор ролларни ўйнаб, томошабин юрагига кириши ҳам ёки унинг хотирасида қолмаслиги ҳам мумкин. Хотирада қоларли рол ўйнабдими, бинобарин, ўша актёрда иктидор бор, истеъдод бор. У бу соҳага адашмасдан қўл урган. Зеро, унинг келажигидан умид қилса бўлади.

— Санъаткорнинг, ҳаёти бошқа касб эгалари сингари тинч, осуда кечмайди. Ойлаб, йиллаб уй юзини кўрмаслик, тасвирга олиш, учрашувлар ёки йиғилишлар сизни толиқтириб қўйган кезларда санъатдан воз кечиб юборгингиз келадими?

— Санъаткорнинг ҳаёти, сиз таъкидлаганингиздек, хотиржам кечмайди. Ҳали спектакль, ҳали тасвирга олиш, ҳали учрашув... Ва борингки, уларда ҳам бошқа касб эгалари сингари оила, рўзгор ташвишлари бор.

Аёл кишининг зиммасидаги масъулият бунинг устига янада кўпроқ. Айниқса, унинг актриса бўлиши уч-тўрт қара фидойилик талаб қилади. Уй, театр, саҳна, мактаб, болалар, репетиция, учрашув, кези келса, бозор-ўчар. Толиққан кезларим кўп бўлган, лекин ҳаммасига улгурганман, актёрликдан воз кечиш ҳаёлимга ҳам келмаган. Бу касбга эътиқодим оша ошганки, сўнмаган. Оиламга, фарзандларимга бўлган меҳр-муҳаббат менга ҳаммиса қанот бағишларди. Букилмас, катта қанотни эса онам раҳматликдан олганман. Гаст-

роль ва спектаклларда гулдас-таларга кўмилиб кетардим. Кучоқ-кучоқ гулларни юрагим шошиб онамга келтирар ва тақдим этардим. Эл ичра таниқли санъаткор бўлишимга ҳаммадан ҳам онам раҳматли кўпроқ имкон яратганлар.

—Мабодо актриса бўлмаганингизда қайси касбни эгаллаган бўлардингиз? Ёки буни тасаввур қилолмайсизми?

—Билмадим, жуда кутилмаган савол бердингиз. Оиламизда уч қиз, бир ўғил воёга етдик. Олам врач, акам инженер, мен эса негадир балерина бўлишни орзу қилардим. Дадам ва онам битта касбда — фармацевт бўлиб иш-лашларига қарамай, санъатга

анча яқин кишилар эди. Театр ва томошаларга бизларни ҳам олиб боришарди.

Эсимда, кўлимга эски бузуқ зонтик соябон тушиб қолувди. Темирчаларини улоқтириб юбордим-да, ўзимга юбкача тикиб олдим. Бу юбкани кийиб, рақсга тушганимни кўришганида, уйдагилар қотиб-қотиб қулишган.

Успенский номидаги мусиқа мактабини, сўнгра хореография билим юртини тамомладим. Озроқ муддат “Баҳор” ансамблида ўзбек рақс санъатининг ўлмас сиймоларидан бирига айланган раҳматли Мукаррама хоним Турғунбоева устозлигида ишлаганман. Бу аёлни ҳаммиса қарздорлик ҳисси билан эсга оламан. Мабодо актрисаликда ўз йўлимни топиб ололмаганимда, эҳтимол, Мукаррама опанинг йўлидан кетган бўлардимим...

—“Ўтган кунлар” фильми қайта ишланиб, мухлисларга ҳавола этилди. Сиз бу гагисиди Офтобойим ролини ижро этдингиз. Сиз ўзингизни оддий томошабин ўрнига қўйиб, бу фильмларнинг қайси бирини мукамаллик даражасига кўтарган бўлардингиз?

—“Кемага тушганининг жони бир”. Фильм ҳақидаги яхши ёки ёмон гапларга теппа-тенг шерикимиз. “Ўтган кунлар”нинг аввалгиси 1968 йилда, кейингиси эса орадан роппа-роса 30 йил ўтгач, яъни 1998 йилда суратга олинди. Отабеклар хонадони Андижондаги бадавлат бир кишининг ҳовлисида тасвирга туширилди. Ҳаддан ташқари шоҳоналик, мис қумгон ва бошқа идишларнинг тоқчага қалаштириб ташланиши, Ўзбекистоннинг ҳадеб елпигич билан елпиниши, Кумушбибининг Тошкентга борганда паранжисини итқитиб, қайнонаси бағрига отилиши, қизлар даврасидаги рақс... Бу эпизодлар тўғриси айтганда, менга унчалик ёқма-

Mehmonхона



ди. Режиссёрга эътирозларимни айтсам, бошқача ўйга боргандек бўлди. Гўёки, аввалги “Ўтган кунлар” бунисидан юқорилигича қолиши учун шундай пухта эпизодларга қарши чиқяпти, деган нотўғри фикрга боришди. Аслида эса мен фильм ҳақиқий ўзбекона урф-одатларни кўзиб эмас, ҳаққонийлигича бўрсатилиши тарафдори эдим.

Кумушбиби ролини ўйнаш учун сочимни ўриб, кадр қаршига келсам, марҳум актриса Сабоҳон Қаримова менга бошдан-оёқ разм солиб чикдилар-да: “Хим, ўзбек қизлари шунақа қилиб соч ўрарканми?” дедилар. Хайрон бўлиб, елкамни қисдим. “Ўргилай, соч ўриш

нафақат сунъий, балки умуман чиқмайди. Аввало артистда истеъдоднинг катта учкуни бўлиши шарт ва зарур.

—Ҳаётнинг ўзи жуда катта мактаб. Сиз кинода, театрда кўплаб образлар яратгансиз. Томошабинга тортиқ этиладиган хоҳ кино, хоҳ спектакль бўлсин, унга озмунча меҳнат сарф қилинмайди. Битта ролнинг меъёрида чиқиши учун умуман қанча муддат сарфлайсиз?

—Саҳна ва кино бир-бирига яқин бўлса-да, фарқли жиҳатлари ҳам анчагина. Саҳна асарининг репетицияси гоҳ уйда, гоҳ театрда бўлади. Кино асарининг репетицияси эса ҳар қаерда, ҳар хил шароитда бўлиши мумкин. Гоҳ ёмғир ёққанда, гоҳ олов ичида... Томошабинни ишонтириш учун ҳар қандай шароитда кадр олинади. Битта кадр учун бир нечта дубль қилинади.

Илгари, дейлик, битта саҳна асари учун уч ойгача вақт сарф-ланарди. Ҳозирги вақтда эса спектаклларга бир ярим- икки ой ажратилган бўлди. Битта саҳна асарининг “туғилиши” ўнлаб актёрларнинг иштирокию маҳорати билан боғлиқ.

Кинонинг спецификаси бошқачароқ. Масалан, “Ўзбекфильм” киностудияси махсулоти — “Пари момо” (режиссёр Мурод Ражабов, оператор Рифқат Ибрагимов, асар муал-

эслайсизми?

— 1-синфида мен Зинаида Захаровна Афанасьева деган аёлнинг ўқувчиларидан бири бўлганман. Соҳларини орқасига чиройли турмаклар юрвчи бу аёл болаларга баланд овозда гапирганларини эслай олмаман. Бағрикенг, хушчақчақ аёл эдилар.

—Театр ҳам тарбия мактаби. Шу маънода театрда томошабинларни кўпроқ жалб қилишда нима бирламчи деб ўйлайсиз?

—Авваллари театрда томошабинлар кўп тушишар, шунга яраша спектакллар ҳам таъсирли ишларди. Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев, Аббор Ҳидоятлов, Ҳамза Умаров сингари театр санъатининг етук даргалари бор эдики, томошабин уларни кўриш учун ҳам театрда тушарди. Ҳозир эса, назаринда ҳамма ўз ташвишига қўшилиб қолган. Яхши асарлар йўқ. Гоҳ мажбурий равишда бир тўп томошабинни буйнидан судрагандек қилиб, театрда олиб келишдан кимга фойда, кимга зиён.

—Мухлисларингизни сизнинг оилавий ҳаётингиз ҳам қизиқтириши табиий. Оилаингиз сизнинг соҳангизга қандай қарашади?

—Турмуш ўртоғим Абдумавлон Хўжаев билан ҳамкасбимиз. Лекин у киши саҳнада эмас, маъмуриятда фаолият юритиб келмоқда. Ҳозирда А.Қаҳҳор номидаги сатира ва юмор театри директори, катта қизим Асал — анестезиолог-реаниматолог. Жами еттига кинода суратга тушди. Кичик қизим Навал — ҳамшира.

—Оила — нозик сирларга тўла кўрғон. Сизнинг бошқа актёрлар билан ишлашингизга турмуш ўртоғингиз қандай қарайдилар?

—Эр-хотин битта саҳнада ўйнаб туриб ҳам бир-бирини рашқ қилиши мумкин. Турмуш ўртоғим ҳам санъаткор бўлганлиги учун касбимнинг бу нозик жиҳатини тўғри тушунадилар. Бундан ташқари, мен ҳаммасини самимий қабул қиламан. Ичимда сир сақламайман, нима бўлса ҳам тилимга қақади. Ана шунинг ўзи ҳам актриса ҳаётининг оилавий жиҳатларига ижобий таъсир қилади, деб ўйлайман.

—Оилавий ҳаётда аёлнинг ўрни, мавқеи нима билан ўлчаниши ҳақидаги мулоҳазангиз?

—Аёл кишининг оиладаги ўрни, мавқеи кечкисиз. Унинг кучига куч қўшилади, агар турмуш ўртоғи томонидан эътибор ва меҳр аямласа. Буни ҳаёт дейдилар. Гоҳ шодликдан энтикиб, гоҳ гамдан қаддинг буқилади. Шундай кезде эр-хотин бир-бирига суяниб, далда беради, ўтган яхши кунларни эслаб, бу кунлар ҳам хотирага айланишини бир-бирларига уқдирадилар. Бу ҳолат — яхши. Аммо келишмовчиликларнинг рўй беришига ҳам уларнинг ўзлари сабабчидирлар.

—Сизнинг минглаб мухлисларингиз “Маърифат” газетасининг ҳам мухлисларидир. Улар билан газета орқали учрашиб турибсиз. Уларга билдирадиган қалб тилақларингиз?

—Биринчидан, юртимиз тинчлигини, тан сихатлигини, хотиржамликни уларнинг ҳар бирига тилайман. Иккинчидан, ўқитувчи деган зот ўз ўқувчилари билан ҳаммиса фахрланиб юрсин.

—Гулчехра опа, ўз дунёқарашингиз, мулоҳазаларингизни самимий руҳда баён этиб, “Меҳмонхонамиз”га ташриф буюрганингиз учун сизга ташаккур билдиримиз.

Хулқар ТҲИМАНОВА
суҳбатлашди.

ИККИ САҲНАДАГИ БИТТА ҚАЛБ

унақа эмас, мана бунақа бўлади” дея сочимни тарқатдилар. Ушанда билганманки, соч ўрганда толаларни устидан устига қараб ўтказиш керак экан.

Оддий томошабин фильмдаги камчиликларни илгамаслиги мумкин. Лекин фаросатли, синчков томошабиннинг ўлчами бошқачароқ. У кинони яратганларга ўз эътирозларини кўрқмасдан айта олади.

Қисқаси, “Ўтган кунлар” фильмининг ҳар иккисиди ҳам ютуқ ва камчиликлар борлигини инкор этмайман. Афсуски, “Танаси бошқа дард билмас” деганларидек, оддий томошабин ўрнига ўзимни қўя олмайман.

—Устоз-шогирдлик аънасида нимани муҳим деб биласиз? Устозларингиз, шогирдларингиз...

—Устозлардан ёлчиганман. Худо раҳмат қилсин, уларнинг аксарияти оламдан ўтиб кетишди. Театр ва расомлик санъати (ҳозирги Санъат) институтида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Нина Тимофеева, Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева-ларнинг дарсларини умуман қолдирмасдим. Назира опа “Саҳна нутқи” курсидан сабоқ берар, актёр саҳнага чиққанда ўзини қандай тутиши, қандай сўзлаши хусусида гапириб эмас, кўрсатиб, ҳаттоки, роль ижро этиб берадилар.

Саҳнада устоз-шогирдлик масаласига менинг муносабатим сал бошқачароқ. Саҳнада ёки кинода кимнингдир сизга устозлик қилишини унчалик ақлимга сиғдирилмайман. Чунки актёр ролни ўз истеъдоди ва юраги билан бажара олмаса, устозлик қилиб, панд-насихат беришдан не фойда? Демак, қобилият, иктидор бўлмаса, минг устозлик қилишсин, минг айланиб-ўргилишсин, ўша актёрнинг ўйнаган роли

лифи Маҳмуд Тўйчиев) жуда қисқа муддатларда кадрга олинди. Бундай бўлишини кутмаганим. Яқинда бу фильм ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

—Киши ҳаётида унутилмас кунлар, кутилмаган ҳодисалар бўлиб туради. Бундай кунларни инсон бир умр хотирасида ардоқлайди! Сизда ҳам шундай кунлар бўлганми?

—1991 йилда — Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилида “Халқ артисти” деган юксак унвон соҳиби бўлдим, бошим қўкка етди. 1996 йилнинг 14 ноябрида неваралик бўлдим.

—Ўқувчилик даврингизда қандай эдингиз? Нималардан хурсанд бўлиб, нимадан наф-ратланардингиз?

—Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 1-мактабда 5-синфга қадар ўқиб, сўнгра Успенский номидаги мусиқа муассасасига ўтганман. Мактабимизнинг жуда катта боғи, иссиқхонаси бўларди. Битирувчилар бир тупдан дарахт экиб, мактаб билан хайрлашарди. Мактаб йилларимда эски, ярқисиз стулнинг тағларини олиб, чилдирма ҳам чалганмиз. Опера, спектакль, ин-термедия, ҳамма-ҳаммасида ўйнашни яхши кўрардим. Шўх, қизиққон, салга таъсирланадиган қизча эдим. Бугун ўша шўх-шаддоқ қиз 54 ёшдаги аёлман. Ҳофиз куйлаганидек, умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

—Илк бор ўйнаган ролингиз?

—Саҳнада “Икки вероналик йигит” спектаклида Сильвия роли. Кинода эса Шўхрат Аббосовнинг “Қалбимда куёш” фильми бўлиб, унда кўр қиз Гулчехра ролини ижро этганман. Афсуски, оқ-қорада тасвирга олинган бу фильм прокатда сақланмаган.

—Илк муаллимингизни

— Нурали ака, дастлаб педагогика фанининг ижтимоий фан сифатида жамиятимизда тутган ўрни ҳақида фикр билдирсангиз.

— Жамият тирик организм бўлганлиги боис, ҳар доим тарбияга муҳтож бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Бироқ муайян даврдаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий қарашлар ва ғоялар, шубҳасиз, жамият мафкураси ҳисобланиб, уни тизимли ифода этиш, ижодий талқин қилиш ва ривожлантиришга замин яратилади. Фан эса жамият равнақида етакчи омил бўлиб, унинг ижтимоий вази-фаси давлат тузилмасига мос ҳолда ўзгариб боради. Шу боисдан, фан муаммоларига жиддий эътибор қаратилади: унинг туб моҳияти ва мақсади, илмий дунёқарашни шакллантиришда тутган мавқеи, назария ва амалиёт нисбатлари, илмий тадқиқот натижаларини самарали қўллаш йўллари каби масалалар таҳлил этилади ва босқич-ма-босқич ечилади.

Педагогика фани ижтимоий-сиёсий фанлар сифатида жамият ва шахс қонуниятлари билан шугулланиши маълум. Айниқса, бугун XXI асрга қадам қўйиш арафасида бу фаннинг мавқеи ниҳоятда кучайди ва унинг мазмунига қўйилган талаблар миллий мафкура доирасида янада кенгайиб бормоқда. Зотан, миллий ғоя, миллий мафкура таълим-тарбия мазмунига сингдирилмас экан, бу жараён ҳеч қачон амалийлик ва таъсирчанлик касб этмайди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов истиқлолнинг бошланғич давридаёқ собиқ тоталитар мафкурадан соқит бўлиш, маънавий ҳаётда содир бўлиши муқаррар мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича онг ва тафаккур соҳиби бўлган эркин ШАХС тарбияси ва шаклланишига алоҳида эътибор қаратди. Пироворд натижада таълимнинг янги модели яратилди ва у бугунги кунда "Ислам Каримов модели" номи билан дунёга машҳур.

Педагогика фани эса айнан Ўзбекистонда шахс манфаати ва таълим устуворлигини эътироф этган ҳолда эркин шахсни тарбиялаш қонуниятлари, ёшларни ҳаётга мослаштиришнинг шакл ва методлари, мазмуни ва принципларини бир бутун ўрганади. Бу бир томондан. Иккинчидан, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мамлакатимизда қабул қилиниши том маънода жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Қолаверса, кадрлар осмондан тушмайди, ердан кўкармайди, балки бевосита педагогик жараён маҳсули эканлигини, улар маълум педагогик тизим (ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим, аспирантура, докторантура) доирасида тайёрланишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бугунги кунда ҳар бир онгли фуқаро тарбияшунослик асослари билан таниш бўлиши, ўзида мулоқот маданиятини жо этиши, ёш авлодни комил инсон қилиб етказиш жараёни қонуниятларини ўзлаштиришлари шарт бўлиб қолди. Бошқача сўз билан айтганда, педагогика жамият эҳтиёжи ва шахс ривожига ҳамоҳанг фандир.

— Матбуотда педагогика фанига "миллий" сўзини қўйиш ҳақида ва, аксинча, унга қарши фикрлар билдирилди. Шу боисдан сиз "Педагогика фанлари тизими" тўғрисида тўлароқ маълумот берсангиз.

— Ҳар бир фаннинг ривожланиш доирасини тадқиқотларни табақалаштириш ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигининг хилма-хиллигига боғлиқ ҳолда муҳокама қилиш мумкин. Кейинги вақтда педагогика фанлари тизими ҳам бирмунча кенгайиб борди. Бу тизимни тўлақонли тасаввур қилмасдан янги асрда таълим ва тарбия йўналишларини, мазмунини, шакл ва методларини белгилаш мушкул. Педагогика фанлари тизими қуйидагича:

Биринчидан, умумий педагогика — асосий тарбия қонунларини тадқиқ қилади.

Иккинчидан, педагогика тарихи — педагогик ғоялар ва тарбия жараёнларининг ривожланишини тарихий даврларга боғлиқ ҳолда ўрганади.

Учинчидан, қиёсий педагогика —

чет эл таълим-тарбия тизимининг мавжудлиги ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Тўртинчидан, ёшга боғлиқ педагогика — инсоннинг турли ёшдаги тарбияси хусусиятларини ўрганади. Шу боисдан, мактабгача педагогика, ўрта мактаб педагогикаси, ўрта махсус таълим педагогикаси, олий мактаб педагогикаси, катталар педагогикаси (андрогика) мавжуд.

Бешинчидан, махсус педагогика — жисмоний ривожланишда фарқи бўлганларни (ёш болалар ва катталар) тарбиялаш назариясини ишлаб чиқади. Унинг тармоқлари: сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика, логопедия.

Олтинчидан, хусусий методика — аниқ фанларни ўзига хос ўқитиш қонуниятларини ўзида мужассамлаштиради. Мисол учун, физика ўқитиш методикаси, география ўқитиш методикаси ва бошқа.

Еттинчидан, касбий педагогика — аниқ касб бўйича фаолият кўрсатадиган инсонлар тарбиясига оид принципларни, технологияларни ишлаб чиқади. Мисол учун, ҳарбий, муҳандис, ишлаб чиқариш, тиббиёт ва бошқалар.

Кейинги вақтда "ижтимоий педагогика" фан сифатида кириб келди ва бу

этиш керак бўлади. Чунки, XXI асрда таълим-тарбияни ҳаракатга келтирувчи куч ўзида аниқ дидактик масалаларни ифодалаган ва уларни ҳал этиш технологияларини бириктирган педагогик тизим ҳисобланади. Энди табиий ҳолда савол туғилади:

Педагогик тизим нима?

Педагогик тизим деганда, ўқувчи(талаба)ларда олдидан белгиланган шахс сифатларини шакллантиришга мақсадли педагогик таъсир этишни юзага келтира оладиган воситалар, методлар, жараёнларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси тушунилади. Ҳар қандай истиқболли педагогик инновацияга баҳо беришда тизимли ёндошилгандагина ўзининг объектив баҳосини олиши мумкин. Келинг, энди аънавий педагогика фанининг асосий масалаларини педагогик тизим ёрдамида қиёслашга киришайлик.

Биринчидан, совет педагогикасида таълим-тарбия мақсади ҳар бир ўқувчи шахсини ҳар томонлама ва гармоник ривожлантириш, мазмунан эса кўпроқ фан асослари бўйича билимлар тизимини шакллантиришдан иборат эди. Афсуски, "ҳар томонлама ривожлантириш", декларация, қақариқ эди, холос. Унинг қисқача моҳияти: техник тараққиёт давомида инсоннинг меҳнат фаолияти ўзгариб туради, шу боисдан, кенг умумий ва

XXI АСРДА ПЕДАГОГИКА ФАНИ: муаммолар, мулоҳазалар, ечимлар

Бугун мамлакатимизда ривожланган дунё таълими фазосига қўшилишига имкон берадиган янги таълим тизими таркиб топмоқда. Бу педагогик назария ва ўқув-тарбиявий жараён амалиётида сезиларли ўзгаришлар пайдо бўлиши билан кузатилмоқда. Демак, педагогика фанининг асрий муаммоси — инсон шахсини шакллантириш ҳам янги асрда янгича бир йўналишда ривожлантирилмоғи лозим. Таҳририятимиз бу борада қилинаётган ишлар, умуман олганда, педагогика фани истиқболига оид мутахассислар чиқишлари билан ўқувчиларимизни "XXI асрда педагогика фани" руқни остида таништириб боришни режалаштирди. Бунда педагогика фани ривожига бефарқ бўлмаган барча олимлар, амалиётчилар ўз фикр мулоҳаза ва таклифлари билан чиқиши мумкин.

Мухбиримизнинг Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги олий педагогика институтининг "Олий таълим педагогикаси" кафедраси мудири, ЎзПФТИнинг "Янги педагогик технологиялар илмий асослари" лабораторияси раҳбари Нурали САЙИДАҲМЕДОВ билан бўлган музоҳабаси ҳам педагогика фанининг истиқболли йўналишлари ҳақида бўлди.

бежиз эмас: оилада, жамоада, маҳаллада, ташкилотларда тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш зарурати мавжудлигини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Ҳар бир халқнинг урф-одати, аънавлари, қадриятлари асосида тарбиялаш қонуниятларини тадқиқ қиладиган "Халқ педагогикаси" (этнопедагогика) фани мавжуд, у асрлар оша яшаб келаяпти ва яшайди. Хуллас, педагогика фанлар тизими ана шундай кўринишга эга. Кўриниб турибдики, сиз эслатган "миллий педагогика" фан сифатида бу тизимда учрамайди, ҳақон педагогика ҳамжамияти томонидан эътироф этилмайди. Шахсан ўзим, педагогика фани дунёвий фан бўлиб қолиши тарафдориман. Унинг мазмунида умуминсоний қадриятлар билан биргаликда миллийлик уфуриб туриши, шубҳасиз, асосий шартлардан бири ҳисобланади.

— "Авторитар педагогика"нинг яроқсиз томонлари нимадан иборат эди?

— Шўро давлатига хизмат қилиб келган педагогикага объектив баҳо бермасдан туриб янги аср педагогикаси ҳақида фикр юритиш мутлақо мумкин эмас. Педагогика инсон фаолияти билан шугулланувчи соҳа сифатида ўз тузилмасида жараённинг субъект ва объектларини қамраб олади. Аънавий "субъект-объект" педагогикасида ўқувчи объект ҳисобланиб, ўқитувчи унга тажриба узатар эди. Замонавий педагогика, кўпроқ, болага ўқув фаолиятининг субъекти сифатида, ўз-ўзини бошқарадиган ва ўзини намойиш этишга интилаётган шахс сифатида мурожаат қилмоқда. Аънавий педагогика хусусида матбуотда, диссертацияларда баъзи бир танқидий мулоҳазалар билдирилмоқда. Бизнингча, авторитар педагогиканинг ҳақиқий "қиёфа"сини очиб учун уни педагогик тизим нуктаи назардан батафсил таҳлил

политехник таълимни бундай ўзгаришлар асоси сифатида жорий этиш заруратга айланган эди. Бугун ҳаётнинг ўзи гувоҳлик беряптики, техник тараққиёт мумкин қадар юқори касбий маҳорат даражасини тақозо этади. Унга эришиш учун маълум меҳнат тури доирасида фаолиятни мақсадли йўналтириш ва чуқур мутахассислаштиришни талаб этипти, доимий ўрин алмаштиришни эмас.

Иккинчидан, таълим мазмуни аънавий педагогикада технократик характерга эга эди, ўқувчи маънавиятини, унинг ички дунёсини шакллантиришга эътибор деярли қаратилмас эди. Таълим мазмуни режалаштирилган, марказлаштирилган, собиқ совет давлати бўйича ягона базисли ўқув режалари ишлаб чиқилар ва жорий этилар эди. Ўқув предметлари мустаҳкам "хитой девори"дан қалъа қуриб олган, ўқувчи унинг ичидан (фақат ичидан) ҳаракатланиши мумкин эди.

Бугун таълим-тарбия мазмуни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида қайта ишланмоғи, миллий истиқлол мафкураси сингдирилмоғи, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, техник-технология ютуқларини мужассамлаштириш лозим. Шу билан биргаликда тарбия мазмуни ижодий фаолият таҳрибасидан, новатор-педагоглар томонидан яратилаётган илғор технологиялардан баҳра олиши шарт.

Учинчидан, авторитар ўқитиш жараёни ўртача ўзлаштирадиган ўқувчига йўналтирилган, ўқувчи фаолияти регламентлашган, назорат эса марказлаштирилган эди. Ўқувчиларда мустақиллик йўқ, ўқитувчи тайёр билимларни ўргатар, болалар уларни тўтидек такрорлар, ўқувчилар ўқув меҳнати кучсиз мотивлашган. Янги асрда ўқитиш жараёни дидактик жараёнга айланмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, илғор педагогика технологиялар ёрдамида ўқувчининг

Nuqtai nazar

ақлий заковатини, эркин фикрлашини, мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаши зарур. Бунинг учун ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда интерфаол методлардан (дидактик ўйинлар, гуруҳларда ишлаш, мунозара, баҳс, ижодий фикрлаш, дарс-ауқцион, дарс-суд ва бошқа.) мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш керак бўлади.

Тўртинчидан, аънавий ўқитиш ташкилий жиҳатдан XVII асрда Я.А.Каменский томонидан шаклланган синф-дарс тизимига бўйсунди ва ҳозир ҳам таълимнинг бу шакли ҳақон мактабларида устуворлик касб этиб турибди. Унинг ўзига хос атрибутлари:

— бир хил ёшдаги болалар синфини ташкил этади, бутун синф дарс жадвалига биноан, ягона йиллик режа ва дастур бўйича ишлайди. Оқибатда ўқувчилар йил давомида олдиндан аниқланган кун соатлари бўйича мактабга келиб кетаверади;

— ягона машгулот тури — дарс ҳисобланади;

— дарс бир ўқув предмети мазмунига бағишланганлиги сабабли синф ўқувчиларининг барчаси бир хил материал билан иш қўрадилар;

— ўқитувчи дарсда ўқувчилар фаолиятини тўлиқ бошқаради;

— ўқувчининг китобдан фойдаланиши, асосан, уй топшириқларини бажаришда амалга оширилади.

Шундай қилиб, дарс-синф тизимининг қонуниятлари махсус адабиётларда тўлиқ ёритилган: ўқув йили, ўқув кун, дарс жадвали, ўқув таътили, танафус ёки дарслар ўртасидаги дам олиш.

Учинчи минг йилликда ўқитиш, (тарбиялаш)нинг ташкилий шакллари ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштирилиши лозим: дидактик бирликларни йириклаштириш, ўқитиш натижаларини олдиндан белгилаш, режалаштириш, таълим жараёнида психологиялаштириш, компьютерлаштиришга эътибор қаратилади. Ана шу йўналишлар аниқ таълим-тарбия мақсадини ечишга қаратилган ҳолда яхлитлаштирилса ёки интеграл ҳолатга келтирилса, бу амал натижасида кучли технология вужудга келади. **Бу технология интеграл технология деб аталади.**

Интеграл технологиялар учун янги машгулот шакли — **семинар-практикум яратилади. Унинг мазмуни:** машгулотни ўқитиш учун ўқувчи (талаба)лар кичик гуруҳларга бирлашади ва ҳар бир гуруҳ чегараланган вақт давомида бажара оладиган топшириқлар олади. Ана шу топшириқни бажаришга киришадилар ва бунда таълим-тарбия жараёнида **объектини тўғри танлаш жиддий аҳамият касб этади.** Объект обдон тадқиқ қилинган, натижалар бўйича кичик гуруҳлар ҳисоб берадилар, яъни машгулот "публик ҳимоя" кўринишида ташкил этилади. Қарабсизки, ўқувчилар ўз-ўзини ўқитиш, баҳс, мунозара мавқеини мустаҳкамлаш орқали мазмуни чуқур ўрганадилар ва шу тарзда якуний натижа таъминланади.

Бешинчидан, аънавий таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг тутган ўрни қуйидагича: ўқувчи-тарбиявий (таълимий) таъсирга бўйсунувчи объект, ўқувчи — етилмаган шахс, ўқувчи — бурама винт, хоҳлаганча бураш мумкин, ўқувчи — аскар. Ўқитувчи — командир, ягона ташаббускор шахс, судья (ҳар доим ҳақ.) унинг қурол — ёзма ва оғзаки нутқларга асосланган субъектив (5 балл) баҳо.

Янги минг йилликда педагогик тизим иштирокчилари — ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) фаолиятини "субъект-субъект" қонуниятлари асосида ташкил этиш таълимда кўзланган натижани кафолатлайди, яъни ҳамкорликдаги педагогика "иш"га тўлиқ тушади: таълим-тарбия мазмуни энг сўнги инновацион жараёнлар билан таъминланиб боради. Педагогик жараён марказида ўз имкониятларини тўла намойиш эта оладиган, турлича ҳаётини вазиятларда жавобгарликни ҳис этган ҳолда онгли равишда янги тажрибаларни қўллаш оладиган яхлит шахс туради. Демак, эртага "талабалар" педагогикаси "муносабатлар" педагогикасига айланишига шубҳа йўқ.

ВАҚТ: ТАЛАБА ВА ТАЪЛИМ

Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони 1999 йилнинг 7 апрелида эълон қилинди. Унда "Тошкент ислом университети ўз фаолиятини олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларига тааллуқли амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда унинг диний таълим соҳасидаги кўп йиллик тажрибасидан фойдаланиш асосида юритсин", дея таъкидланган.

Университет юртимиздаги энг кенжа олий ўқув юртларидан бири бўлишига қарамай, у ўз обрўсига эга. Ҳозирги вақтда бу ерда 1) ислом тарихи ва фалсафаси, 2) фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультетлари мавжуд.

ЛИЦЕЙ — УНИВЕРСИТЕТГА

Академик лицейимиз университет ҳовлисида жойлашган бўлиб, ўзининг илк ўқув йилини бошлади. Ҳозирги вақтда 50 нафар ўқувчи тахсил олаёпти. Булар орасида турли вилоятлардан келган ўқувчилар бор. Ўқиш бир смеланик

ларга кўшимча равишда "Диншунослик", "Нутқ маданияти" каби фанлар ўргатилади. Араб ва инглиз тиллари, тарих, математикадан чуқурлаштирилган дастур асосида билим берилди.

Ilk qadam

Умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган ўғил-қизларни лицейга қабул қилишда аввало унинг маънавий даражаси кузатилади. Сўнгра тест синовларидан ўтади.

Таълим жараёни худди умумтаълим мактабларидаги сингари. Бу-

Лицей ўқувчилари университет ривожлантириш жамғармаси томонидан махсус либос билан таъминланди. Бир маҳал бепул тушлик овқат ҳам ўша жамғарма томонидан уюштирилмоқда.

Содиржон АБДУЛЛАЕВ,
университет қошидаги академик лицей директори



Суратда: талабалар дарсдан ташқари машғулота.

Исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг вазифалари жуда серқирра. Бой маънавий-маданий, илмий меросни, беназир аллома, уламоларимизнинг асарларини ўрганиш, муфассал таҳлил қилиш, замонавий руҳда ривожлантириш, илмий асосланган тадқиқотлар яратиш ва булар асосида малакали, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшишдан иборат. Тадқиқотларни жамлаган ва умумлаштирган ҳолда кенг жамоатчиликка етказиш, жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини ва аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш йўналишлари қонуниятларини назарий, амалий жиҳатдан таҳлил этишга киришганмиз.

Марказимиз Куръони Карим ва тафсириларини ўрганиш, ҳадисшунослик, ислом тари-

Янгидан ташкил этилган билим даргоҳлари олдида бағоят улкан вазифалар туради. Гарчанд вазифалар аниқ белгиланган бўлсада, уларни ўз маромида амалга ошириш, ўша жамоа аъзоларидан катта масъулият, саботматонат талаб қилади. Университет фаолияти ҳақида ўқув ва фан масалалари бўйича ректор муовини Абдулхай Абдуллаев куйидагича ҳикоя қилади:

—Тошкент ислом университетининг вужудга келиши халқимизнинг, алалхусус, унинг турли замонларда яшаб ўтган фозил кишилари орзуармонларининг амалга ошгани бўлди. Бу орзу, бу армон илму маърифатга, ҳақ висолига,

нади.

Барча мавжуд йўналишлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Ўқув бўлими, кафедра иш ҳажми, ўқув-услубий ва тарбиявий иш-

Таълим тизимини чуқурлаштиришга ёрдам берувчи исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, манбаалар хазинаси, университетни ривожлантириш жамғармаси, Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда очилган "Дунё динларини қиёсий ўрганиш" кафедраси, академик лицей, "Тошкент ислом университети" нашриёти, кутубхона ишлаб турибдики, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир талаба ўзини қизиқтирган масала билан бу ерга кириши, мурожаат қилиши, ўқиб-ўрганиши мумкин.

таълим аънавалари, мударрисларимизнинг бой тажрибаларидан ҳам фойдаланишмоқда. Талабаларимиз 220 нафар. Келгусида уларнинг сонини ошириш мўлжалланмоқда.

АҚШ, Англия, Франция, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Кувейт ва бошқа давлатларнинг университетлари илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу мамлакатлар расмий делегацияларининг ҳар

ЎТМИШ ВА БУГУННИНГ ҲАЛҚАСИ

ҳақиқатга интилишни ижтимоий адолат устувор, тинчлик барқарор бўлган жамиятда энг замонавий билимларни ўзлаштириш, жаҳоннинг фан-техника тараққиётида фаол иштирок этиш билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб боришдан иборат эди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабаларига мувофиқ, университетда таълим икки босқичли, яъни бакалаврият 4 йил, магистратура 2 йил қилиб белгиланган. Ҳозирча илк босқич жараёни давом этапти.

Ҳар бир ўқув юрти маълум йўналишлар асосида кадрлар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Бизда **диншунослик, исломшунослик, ислом ҳукуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси бўйича мутахассислар тайёрла-**

лар режасини доимий равишда йиғиб, назорат қилиб боради.

Ҳар иккала факультетдаги ўқув ишлари давлат ва жамоат ташкилотлари, диний муассасалар олдидаги назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишга қодир, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилган. Талабаларга "Ислом манбашунослиги", "Исломшунослик", "Диншунослик", "Ислом дини тарихи ва фалсафаси", "Ҳадис ва ҳадисшунослик", "Куръон ва тафсир" каби фанлардан ташқари "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда", "Миллий маънавият асослари", "Фалсафа", "Педагогика", "Ўзбекистон тарихи", "Жаҳон тарихи", "Ҳуқуқшунослик", "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари", "Хорижий мамлакатлар конституцион ҳуқуқи", "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" каби фанлар ҳам ўқитилмоқда.

Таълим жараёнини олиб бориш 7 та кафедра зиммасидадир. Шунингдек, "Шарқшунослик фанлари" соҳаси бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган кенгаш ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ўқув даргоҳи учун ажратилган ҳудуд ва бинолар замонавий талаблар даражасидадир. Дорилфунун худудидаги Юнусхон макбараси, университет маъмурияти жойлашган иморат, ўқув хоналари бежирим ва ҳавас қиларли даражада таъмирланган. Талабалар энг замонавий ўқув-техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хоналарда таълим олишаёпти. Мазмун ва шаклнинг бирига боғлиқлигини чуқур тушунган устоз-мураббийларимиз минг йилдан ортиқроқ фурсат оралиғида шаклланиб тақомил топган исломий

бир ташрифи келгусидаги алоқаларимиз истиқболларини порлоқ этмоқда.

Биз XXI аср арафасидамиз. Янги минг йиллик илм-фан олдида янада улғуворроқ вазифаларни кўяётир. Жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ қилиш, аҳамиятини аниқлаш, ривожланиш йўналишларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш, миллатимизнинг улғу илмий, маънавий қадриятлари асосида етук исломшунос мутахассислар тайёрлаш университетимиз ўқитувчилар жамоасининг ўша умумий вазифадаги ўрнини белгилайди. Зеро, бу ўринда ўқув даргоҳимиз ўтмиш ва бугуннинг ҳалқасига айланади.

Хулқар ТҲЙМАНОВА
ёзиб олди

УМРИНГ БЎЛАР ЗИЁДА

Университетимизнинг қисқа даврлик фаолияти давомида ислом оламнинг таниқли алломаси Абу Мансур ал-Мотуридийга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Дунёнинг турли қитъаларидан келган олимлар юртдошимиз қолдирган буюк меросга чексиз хурмат-эҳтиром билдиришди.

Тошкентдаги Миср маданият маркази ҳамкорлигида университет қошида араб тилини ўргатиш бўлими очилди. Бу ерда Қоҳира ва ал-

Азҳар университетидан келган малакали мутахассислар машғул олди боришмоқда. Бу машғулотлар биз талабалар учун ғоятда қизиқарли ва мазмунлидир. Ҳар хил оқим-

Ta'kid

лар таъсирини олиб бериб кетаётган ёшлар, шукрки, бизнинг даргоҳда учрагани йўқ. Маънавият ва маърифат марказининг бу борадаги

саъй-ҳаракатлари талабаларнинг маънавий дунёсини кенгайтиришда ижобий рол ўйнамоқда.

Талаба нима учун талаба? У ўз умрини зиёда қилмоқ мақсадида илм истади. Йиққан илмлари эса унинг ҳаётини нурафшон этади. Шундай экан, умрга мазмун бағишловчи мезон — илмни ҳар қандай бойликдан устун қўймоқ керак.

Лутфулла ХҲЖАЕВ,
ислом тарихи ва фалсафаси факультетининг 2-курс талабаси

МАРКАЗ ИЗЛАНИШДА

ҳи ва фалсафаси, шариат (фикҳ), манбашунослик ва қўлғамаларни ўрганиш бўлиmlаридан таркиб топган.

Tadqiqot

Куръони Карим ва тафсириларини ўрганиш бўлимида бу муқаддас китобнинг турли даврларда кўчирилган нусхалари, жумладан, Ус-

мон куръонини манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, шу асосда унинг ўзбек тилидаги илмий-изоҳли нашрини яратиш режалаштирилган.

Марказнинг энг муҳим тадқиқотлари шариат бўлими билан боғлиқ. Унда мусулмон ҳуқуқшунослигининг манбалари ўрганилади, таржима қилинади. "Ҳидоя" асари муаллифи Бурҳониддин Марғинойнинг ҳаёти, илмий фаолияти, ҳанафий мазҳабининг моҳиятини ўрганиш, Бобурнинг "Мубайин" фикҳий манзумаси бўйича тадқиқотлар бошлаб юборилган.

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
университет қошидаги исломшунослик илмий-тадқиқот маркази директори, филология фанлари доктори

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

Муҳитдинов М.М.

2000 йил
ТЕСТ ЯКУНЛАРИ
(Таҳлилий материал)

ТОШКЕНТ

Тест технологияси бўйича таҳлилий материаллар анъанавий тарзда 1996 йилдан буён нашр этилиб келинмоқдаки, улар республика таълим тизи-

2000 ЙИЛГИ НАТИЖАЛАР

мининг кенг кўлами, бир бутун манзарасини тасаввур қилишга ёрдам беради.

Республикамизда ишлаб чиқилган ва амалиётда кенг татбиқ этилаётган кўпвариантли тест тизимининг ижобий жиҳатлари хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этиляпти.

Тест топшириқлари жамғармаси кўпайтирилиб, унинг 100 мингтага етказилиши, қайта ишланиши, эълон қилинмаган тест топшириқларнинг маълум қисмидан фойдаланиш, ўқув фанлари тузилмасини мураккаб-лаштириш, вариантлар тузишда биринчи марта олий ўқув юрларининг кундузги ва сиртки бўлимлари учун ягона тузилма ишлаб чиқиш — буларнинг ҳаммаси абитуриентларнинг билим даражасини ҳамда мустақил

фикрлай олишини муносиб равишда баҳолашнинг юқори даражада аниқ ва холис бўлишини таъминлади.

2000 йил тест якунлари ҳам таҳлил қилиб чиқилди. У яхлит ҳолда китоб шаклига келтирилди. Республика олий ўқув юрларида абитуриентлар миқдори

Test

йилдан-йилга ортиб бораётгани кўриниб турибди. Бу йил абитуриентлар миқдорининг кескин кўпайиши таълимнинг педагогик, техникавий, табиий, гуманитар йўналишларида кузатилди.

Абитуриентларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юрлари ҳамда таълим йўналишлари бўйича

миқдорий таҳлили мутахассисликларнинг нуфузи, обрў-этиборини, уларга бўлган талаб-эҳтиёж даражасини яққол ва атрофлича тасвирлаб беришга имкон яратди.

Китобда келтирилган статистик маълумотлар ёшларнинг тест тизимига нисбатан ишончи тобора ортиб бораётганлигидан далolat беради.

Республика вилоятларидаги олий ўқув юрларида бу йил танлов кескин кўтарилди. Кўплаб мутахассисликлар бўйича танловнинг юқори бўлиши ёшларимизнинг олий касбий таълим олишга бўлган интилиши кучли эканлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, жорий йил қишлоқ мактабларидан чиққан абитуриентлар миқдори шаҳарликларга қараганда 2,5 марта

кўп. Табиийки, бу нисбат ўқишга кирганлар орасида ҳам айна шундайлигича қайд қилинди.

300 мингдан ортиқ абитуриентнинг тайёргарлик сифати мониторинги ҳамда минтақалар, мутахассисликлар, ўқув фанлари ва таълим тиллари бўйича билимларнинг фазовий тақсимланишидаги динамик ҳолат таълим жараёнининг суст ва кучли жиҳатларини тўғри баҳолашга, ислохотларни самарали амалга ошириш учун чора-тадбирлар кўришга имкон яратади.

Ўйлаймизки, китобда келтирилган оқоридаги каби ва бошқа статистик маълумотлар республика таълим тизимининг ҳозирги ҳолати ва истиқболи билан қизиққан барча кишиларда катта қизиқиш уйғотади.

Адабиётшунос Ҳафиз Абдусаматовнинг бу йил Фағур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган “Драма назарияси” монографияси бу йуналишдаги асарлар ичида анча бағафсиллиги, тўлалиги ва чуқурлиги билан ажралиб туради.

Мазкур тадқиқот кириш қисм, саккиз боб ва хотимадан иборат.

“Кириш”да дейилишича, драма назариясига дунёда илк асос солган киши, милодгача 384-322 йилларда Юнонистонда яшаган буюк Арасту(Аристотел)дир. Сунг бу масала хорижий мамлакатларда замон руҳида атрофлича тадқиқ этилган. Форобий, Абу Али ибн Сино Аристотелнинг бу муаммо таҳлил қилинган “Поэтика” асарига шарҳлар ёзган.

Театр ва драматургия бизда кечроқ, XX аср бошида пайдо бўлди. Уларни миллий маданиятимизга жадидлар олиб кирди. Драма назариясидан баҳс этган дастлабки қарашлар узбек матбу-

нинг қон томири” дейилган. Драматик ҳаракат персонажлар ва фикрга тегишлидир. Унинг негизини конфликт ташкил қилади. Муаллиф дейдики, драматик ҳаракат драмада асосий ҳукмрон кучдир, унинг гоҳо иккита айби булиши эҳтимол, бири — кўп сузлилиқ, бошқаси — сузлик.

Драматик ҳаракат драмадаги ҳамма ҳаракатларни бир жойга болашни тақозо қилади ҳамда у ички ва ташқи шаклга эга, бу шакллар доимо бир-бирини таъкиб этади, бир-бирини қўзғайди.


IV боб “Характер — драманинг мезони” деб номланган. Уз мақсадига эга булган персонажга характерга айланиши мумкин. Узига хошлиқ, типиклик, ҳаётийлик, ҳаққонийлик, изчиллик, тадрижий такомилда кўриниш характерга булган талаблардир. Драма кучли фаҳму фаросат, ўткир тафаккур, мустаҳкам руҳият ва метин иродага эга булган пишиқ қаҳрамонлар характерини яхши қуради. Ёзувчининг хизмати ҳам миллий ва жаҳон адабиётлари тарихига қандай

рим уринларигагина аҳамият беради, охиригиси ҳақиқий томошабиндир. Томошабин замон ва театр савиясини белгиловчи кучдир. Театр — томошабинга, томошабин — театрга муҳтож.

Узбек театри нисбатан кечроқ дунёга келди, бироқ тез оёққа турди ва жаҳон миқёсига чиқди. 1945 йили Англия парламенти аъзолари: “Биз Шекспир ватанида ҳам бундай “Отелло”ни қурмаган эдик” (245-бет) деб ёзган эди узбек ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган спектаклни куриб. Узбек театрининг тез камолга етишининг сабаблари бизда истеъдодли режиссёр, драматург ва актёрларнинг етишганлигидир.

Узбек драмаси ва театрини жаҳоннинг номдор театр арбоблари тарихидан ажратиб талқин қилиб бўлмайди, шунинг учун, муаллиф дунёда утган Эсхил, Софокл, Мольер, Шекспир, Шиллер, Гоголь, Норнейчук каби етук драматургларнинг асар-

АНТЛАШ САРИ ИНТИЛИШИ

АЗАМАТ ҲАЙДАРОВ
МАЪНАВИЯТ-ҲУҚУҚИЙ
ДАВЛАТНИНГ
ТАЯНЧИ

“... Маънавият асли...

руҳий жараён билан боғлиқ тушунчадир. Бу тушунча замирида фақат инсонгагина буюк Яратувчи томонидан ато этилган руҳий моҳият ётади. Биз инсон ақлий тақомили бошланган минг-минглаб йиллардан бери руҳий ҳаёт ҳам ибтидо олгани ҳақидаги инкор этиб бўлмас гувоҳликларга эгамиз Ҳатто юз йиллар давомида руҳ бирламчими ёки моддият, деган муаммолар устида мунозаралар

қилдик. Руҳиятнинг ақл билан анланмас, беқиёс қудрати ва ҳайратлари шоҳиди бўлиб турган дамларимизда ҳам Аллоҳга имон келтиришга журъат қила олмадик. Аксинча, барчасига моддий дастак топишга уриндик. Жўн бир ҳақиқат — инсон маҳлуқотдан ай- бошлагандан дунё тақозоси

Taqriz

рилиб, такомил топа бери аввало руҳий билан ҳаракат қили-

шини эътироф этмадик. Бунинг учун неча қайта жазолансак-да нодонлигимиз, жаҳолатимиз йўқолмади. Ана шу нодонлик ва жаҳолатдан одамзотни халос этмоқ тилагида не-не улуғ зотлар илму амал кашф этмади...”

Узр, муҳтарам газетхон. Юқорида ўқий бошлаганингиз, баён этилаётган фикрлар сизни бор вужудингиз ила баҳсга чорлаган эса-да, айна пайтдаги имкониятимиз ушбун давом эттиришга монелик қилади. Лекин, Сиз агар хоҳласангиз, бу мунозарага мунтазамлик бахш эта оласиз. Ҳ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган, Азамат Ҳайдаров қаламига мансуб “Маънавият — ҳуқуқий давлатнинг таянчи” дея номланган рисола ўз ўтмишига, она-Ватанига, келажига, қолаверса ўз руҳияти ва уни англашга бефарқ бўлмаган кишиларга муносиб ҳамроҳ бўла олади.

Азамат Ҳайдаров ушбу мўъжазгина китобида давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг нутқ ва маърузаларида баён қилинган фикрларнинг ҳаётин негизларини таҳлил қилади. Муаллиф ўз кузатишларини жонли ҳикоя қилиб бериш баробарида тарих ва бугунни ўзаро боғлаб тушунтиради, маънавият жонли, кундалик фаолият эканини, одамларнинг яшаш тарзи, тафаккури билан алоқадорлигини айтади.

Қисқаси, ўқувчини хаёлга эмас, ўйлашга, фикрлаш ва англашга чорлайди.

Фахриддин КАРИМОВ

ЯНГИ “ДРАМА НАЗАРИЯСИ”

отида, аср бошида босилган афишалар ва тақриزلарда учрайди.

Муаллиф ҳар бир бобга драма хосияти(спецификаси)нинг муҳим бир жиҳатини ном қилиб олади. Бу эса драма назариясини атрофлича яратишга имкон беради.

I боб “Драма адабиётнинг гултожи” деб аталган. Драма узида мушкулликни, жумбоқни акс эттиради. Унда ҳамма нарса зидма-зид қўйилган бўлади. Муаллиф уз фикрларини Чулпоннинг “Ёрқиной”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмалари таҳлили орқали далиллаган.

Драма лирика ва эпос хусусиятларидан ҳам қисман наф оладиган синтетик шаклдир.

“Конфликт - драманинг қалби” деб номланган II бобда конфликтнинг асоси ҳаётдаги зиддиятлардир, шу сабабли конфликтнинг ижтимоий табиати муҳим, унинг вазифасини характерлар мантиги тайинлайди. Воқеа ва қаҳрамон характери турли-туман булгани каби конфликтлар ҳам ҳар хил ва бой. Улар ички ва ташқи кўринишда, ички руҳий курашга, ташқиси очик тўқнашувга таянади. Ишда драматик конфликт лирик ва эпик конфликтлар билан таққосланган.

III боб “Ҳаракат — драма-

янги қаҳрамон характерларини олиб кирганлиги билан белгиланади.

V бобга “Сюжет ва композиция драманинг қолипи ва қиёфаси” деб ном берилган. Сюжет қаҳрамон тарихидир. Фабула — воқеа, аммо сюжет муайян уз элементлари тартибига эга, улар экспозиция (асардаги асосий қаҳрамонлар билан дастлабки танишув), тугун, воқеа ривож, кульминация ва ечим. Бу элементлар ҳар бир адабий турда узига хос қуринади. VI боб “Драма — ранг-баранг жанр” дейилган. Ишда трагедия табиати “Мирзо Улугбек” фожиаси таҳлили орқали таърифланган. Комизм — кулги, сатирик ва юмористик йуналишга эга булиш, қувноқлик, гротеск, бурттириш, фарс, пародия, ирония, масхаралаш, карикатура, газабли заҳарханда комедия белгиларидир. Муаллиф либретто, оперетта, драматик поэма, водевиль-енгил кулги, инсценировка, пантомимо ва бошқалар ҳақида ҳам тўхтаб утган.

Шунингдек, асарнинг “Тил — драманинг бадий либоси”, “Театр — драманинг танаси, маънавиятнинг бадий машъали” деб номланган боблари ҳам узига хос талқин ва таҳлилларга бой.

Муаллиф уз асарида тўрт хил томошабин бор, дейди. Бири саҳна ни нофаол кузатувчидир, иккинчиси театрга кунгил очиш учун келди, учинчиси спектаклнинг ай-

ларига мурожаат қилган.

Асарда услуб, ремарка, пафос ҳақида таҳлил йўқ. Сюжет элементлари, композиция, бош ва ёрдамчи конфликтлар ҳақида алоҳида асар мисоли асосида таҳлиллар бўлишига эҳтиёж бор. VIII боб муаммосини 8 та асар таҳлилида кўрсатиш ҳам мумкин. Аммо ишда 80 га яқин драмага мурожаат қилинган, бу ҳол дастлабки бобларни шарҳга яқинлаштирган. Илмий тил қисман адабий танқид тилига мослашган. Буни инверсияларнинг куплиги, бобларнинг номлари ва ифодани бадийлаштиришга уринишда ҳам сезса бўлади. Ваҳоланки, мавзу адабиётшуносликка мансубдир. Биз бу жиҳатларни шу ажойиб китобнинг иккинчи нашрида унганлади деган умидда алоҳида таъкидладик.

Ҳ.Абдусаматовнинг “Драма назарияси” монографияси шу соҳада илгари ёзилган асарлар ва айтилган мулоҳазаларнинг синтези(яқуни)дир. Айни ҳолда, мустақил асардир. Унда драма назариясининг театр назарияси ва саҳна нутқи билан яхши боғланиши тадқиқотнинг катта ютуғидир.

Умнат ТҲҲИЕВ,
филология фанлари
доктори

Азиз муштарийлар! Сизни сеvimли адибларимиз, хусусан болалар шоир ва ёзувчилари ижоди билан навбатма-навбат таништириб боришни ният қилдик. Ўйлаймизки, бу болаларимиз билим ва тафаккурини ошириб боришда дарсликка қўшимча манба бўлади.

Шундай қилиб, бу галги “Дарслигингизга қўшимча” рукнимизни Ўзбекистон халқ шоири Анвар ОБИДЖОН ижоди хусусидаги мақола ва ижодидан намуналар билан бошлаймиз.

Волковнинг “Зумрад шаҳар сеҳргари” эртаги-ни эслайсизми? Унда буюк Гудвин ўз шаҳрини зумрад қилиб кўрсатиш учун шаҳарга қадам қўяётган ҳар бир кишига яшил ойнакли кўзойнакни тақдиради. Биз Анвар Обиджон асарларини ўқиганимизда ҳеч қандай сеҳрли кўзойнак тақма-сак-да, ўзимизни сеҳрли оламга кириб қолгандек сезамиз.

Моҳир сўз устаси сўзлар билан шундай моҳирона тасвирлар ясадики, у терган сўзлардан шакл ва мазмун ранг-баранглиги бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи, болаларни оҳанграбодек жалб қилувчи сеҳрли шаҳарча пайдо бўлади. Унда “Сиз эшитмаган кўшиқ”ларни эшитасиз. “Ботирбойнинг кундалиги” билан танишасиз. Мешполвонни, ўғирланган паҳлавонни кўриб, “Ватан” сўзи кўз ўнгингизда қайта жонлангандек бўлади. Шоирнинг “Алишер ва Хусайн” достони тарихий шахслар ҳақида тасаввур уйғотади.

Анвар Обиджоннинг прозаси шахмат ўйинини, назми эса алгебрани эслатади. Чунки унинг қисса ва ҳикоялари қаҳрамонларнинг феъл-атвори ҳам оддий, ҳам мураккаб, ҳаракатларида кутилмаган кучли юришларни учратишингиз мумкин.

Қисқа ва лўнда шеърларида эса аниқ образ орқасида чексизлик яширингандек. Болалар учун мулоҳазага ташланган топишмоқсимон чексизлик бу. Мана, “Ботирбойнинг кундалиги”дан бир мустақил шеър:

**Тоғдан олиб келган гулим
Кеча бирдан сўлиб қолди,
Дадам деди: Ўз уйдан**

йўқ. Ахир улар бутун Республика болаларини тарбиялашпти-ку! А.Обиджон шеърларининг хоҳлаган бир туркумини олиб, унга маънавий алифбоси деб сарлавҳа қўйишингиз мумкин.

Анвар Обиджон ижодининг кучи ва ўзига хослиги нимада, деган саволга образлилик ва комизмда деб айтган бўлар эдим. Кулгулиликнинг йўналиши уларда турли йўсинда гоҳ ҳаракатлар, гоҳ характерлар, гоҳ воқеалар комизмида кўриниши мумкин. Аммо шоир қайси шаклдан фойдаланмасин асосий мақсади тарбия эканлигини унутмайди.

Агар ҳаққанинг ваъдасидан биз аввал мириқиб кулсак, сўнг ўғрилиқ ўзи нима

Darsligingizga qo'shimcha

тасвири ва самимийлиги болаларни хўрозча-ю, товуқларнинг сўзлашига, эшитмаган кўшиқларни эшитишга ва уларга ишонишга, ҳаётга тийрақроқ кўз билан қарашга ўргатади.

Тийрақ кўз эса болаларга оқ билан қорани кўра олишга, яхши ва ёмонни фарқлашга, иккинчи ва биринчи даражали масалаларни ажратишга ёрдам беради. Уларда аллегория кучли. Ҳатто шип-шип этиб юмшоқ, бебаҳо гилам устида юраётган шиппақларда ҳам, ипидан тортиб ўйнашаётган кўғирчоқлардан ҳам сиз инсон хоҳиш ва истакларини, орзу-умидларини топасиз.

ниворлар тилидан саломномалар ёки “Ҳе, ўргилдим бурнингдан”, “Пешонаси бунча шўр, ишонмасанг ялаб кўр!” (Туздонга ёзилган шеър) ва ҳ.к. “Анвар Обиджон услуби”, “Анвар Обиджон мактаби” каби ибораларнинг пайдо бўлиши ҳам балки айнан мана шундандир.

Анвар Обиджон ижоди мактаб ўқувчилари учун ҳар жиҳатдан жуда катта тарбиявий восита бўлса, ўқитувчилар услубий иши учун кенг имкониятлар яратади.

Азиз мураббийлар! Сиз ўқувчиларингизга бу шеърларни албатта ўқинг. “Ботирбойнинг кундалиги”ни ўқиб улар ҳам кундалик тузишсин. Баҳромнинг товуғи ҳақидаги шеърни ўқигач, ўз уйидаги куш ва жониворларнинг номидан хат ёзишсин. Ўйлашсин, фикрлашсин. Зеро, танқидчи айтмиш “Ўйлаш жараёни шахсни юзага келтиради”.

Олтиариқнинг Паласон қишлоғида таваллуд топган Ўзбекистон халқ шоири, ёзувчи, кўплаб кўшиқлар муаллифи, “Тилсимой — гаройиб қизалоқ”, “Даҳшатли Мешполвон” киносценарийлари, “Ўғирланган паҳлавон”, “Кўнғироқли ёлғончи” каби пьесалари билан машҳур драматург, халқнинг сеvimли адиби Анвар Обиджон ижоди баркамол шахслар тарбиялаб етиштиришда алоҳида аҳамият ва қимматга эгаллиги билан ажралиб туради.

Кавсар ТУРДИЕВА,
ТошМИ ўзбек тили
кафедраси мудири,
филология фанлари
номзоди

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҲАМКОР ШОИР

Айрилди-ю, ўлиб қолди.

Кўз ўнгингизда бола кўлида узилган гул. Аммо бу шеърдаги муносабатларни кидириб, баҳо бериб кўринг-чи! Сиз чизган чизмада ота ва бола, тоғ ва бола нуқталаридан бир-бирига қараб чизилган тортилган.

Боланинг гулга, гулнинг тоққа, тоғнинг гулга, отанинг болага, боланинг тоққа муносабатлари. Сизнинг мушоҳадангиз ана шу чизилган бўйлаб худди лабиринтда юргандек. Ватан деган тушунчани кўз ўнгингизда қалбингизни энтиктирувчи бўёқларда намоён қилади.

Ҳар бир болалар шоир номининг олдида бемалол хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини қўйса, бунинг ҳеч бир таажжубланарли жойи

экан, деган саволдан ўйла-ниб қоламиз.

**Текин беринг
Кавшайман,
Ўғрилиқни
Ташлайман.**

Ўғрилиқ — текин ейиш формуласидан ҳаққанинг тўғри бўлиш учун танлаган йўли парадоксни кўриб куламиз. Мулоҳаза комизмига мисол бўлган бошқа “Глобусга ёзилган шеър” ҳам қаҳрамоннинг тилида ақли ошганидан хабар берса-да, аслида унинг нодонлигидан дарақдир. Ҳолат ва ҳаракатлар комизмига мисол, чала пишган анорлардан қорни оғриб ётган дўстини кўргани чала пишган анорни кўтариб келган болани кўриб яна кулгидан ўзимизни тия олмаймиз. Энг асосийси эса, Анвар Обиджоннинг ишонарли

Болалар учун ёзилган яхши асар сеҳрли қалпоқдек ҳаммага тўғри келади, ҳаммага ёқади ва ҳайратга солади. Анвар Обиджон шеърлари сеҳрининг яна бир сири — халққа яқинлиги, халқдан олинганлиги, халқчиллигидадир. Шоир халқ оғзаки ижодининг ҳамма тур ва жанрларидан ниҳоятда усталик билан фойдаланади. Унинг “Марс каттами, ер катта, тортиб кўра қол, шартта” шеърини ўқиб, “Атта-матта, санми катта” қиқилламаси эса тушади.

Умуман, Анвар Обиджон ижодида катталар фольклори, халқ иборалари ҳам шундай усталик билан улангани, унинг тугуни бўлмай, балки асарнинг бадиий савиясини оширишга хизмат қилади. Хусусан, жо-

Anvar Obidjon ijodidan namunalar

SALOMNOMALAR

Qo'rqoqlarning qo'rqog'i, g'ilay Quyonga salom,
Yo'qdir yaqin o'rtog'i, sho'rlik Chayonga salom.

Shoxdan shoxga yugurgan, dumida uy supurgan,
Yong'oq chaqib tupurgan sho'x Olmaxonga salom.

Arg'amchiday buralar, yantoqlarga o'ralar,
Qo'ng'iz o'tsa mo'ralar, bo'g'ma Ilonga salom.

Ho'kizlarni yiqitgan, Qashqirlarni qo'rqitgan,
Bor jonzotni hurkitgan shoh Arslonga salom.

Bug'ularning qondoshi, ochlikka zo'r bardoshi:
Kamroq bo'lsa ham oshi, erkin Qulonga salom.

Xumbosh hamda hirqiroq, oziq tishi oshpichoq,
Ochko'zligi sal chatoq, xasis Qobonga salom.

Nafsi o'lja tilagan, qo'lin qonga bo'yalgan,
Asta mo'ylov silagan pismiq Sirtlonga salom.

Mechkay qorni qovoqdir, burni tappak tovoqdir,
Ikki lunji lavoqdir, go'l Karkidonga salom.

Guldor to'ni kelishgan, qurtlarni yeb bo'lishgan,
Chirik daraxtni teshgan Qizilishtonga salom.

Chidab sovuq-ussiqqa, insof tilab mushukka,
Nonni sudrab teshikka, olg'ir Sichqonga salom.

O'g'rilarning ustasi, qushning xunuk tusdasi,
Ko'rib qo'ying nusxasin, sur Zag'izg'onga salom.

Tunu kun yer qazigan, zaxda yotib ozigan,
Ko'p tirishib, oz yegan go'shtdo'r Yumronga salom.

Igna-bigiz sotuvchi, kuzda loyga botuvchi,
Ilon poylab yotuvchi Tipratikonga salom.

Bebahodir po'stini, poylar hatto do'stini
Sipo demang siz uni, ayyor Qoplonga salom.

Rizqin mag'rur izlagan, yuksaklarni ko'zlagan,
Raqibini tuzlagan botir Tarlonga salom.

Bulbul kabi izillar, tog'-toshlardan g'izillar,
Yirtqichlardan bezillar, do'stim Jayronga salom.

KALISHNING BOTINKAGA YOZGAN XATI

Boshlandiy-u loychaydi,
Tashvishlarim ko'paydi.
Tugamaydi hech ishim,
Qurimaydi tash-ichim,
Tishlarimning sog'i kam,
Qashqa bo'ldi burnim ham.
Chugal teshdi tagimni,
Qisqa qilay gapimni.
Shoshilyapman,
Bormish to'y
Mendan salom aytib qo'y:
Ko'netikboy dadangga,
Satang Xirom akangga,
Dono Choriq bobongga,
Suluv Shippak opangga,
Cho'tir Kirza tog'angga,
Amirkoni xolangga,
Maxsibibi oyingga
Va ikkinchi poyingga.

Ўтаётган асрнинг 70-йиллари ўрталарида юз берган экологик ва демографик танглик билан белгиланадиган, сув ресурслари етишмовчилиги барқарор ривожланиш босқичига ўтишда мураккаб жараёни бошидан кечираётган Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий аҳолини оғирлаштирди. Табиий ресурслар потенциалидан фойдаланиш унмдорлиги ва аграр соҳада жисмоний капитал яратиш (масалан, Ўзбекистонда)ни бошқа бир қанча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан қиёслаб баҳолаш мумкин. Бунинг учун бизлар асосий таққосланадиган кўрсаткичларни танлаганмиз: майдоннинг табиий иқлим шароити, уларнинг қишлоқ хўжалигини ўзлаштириш даражаси, суғориладиган ерлар майдони, сув таъминоти ва тармок сувдан фойдаланувчилари.

Масалан, Алжирда бир йилда 14,8 км³ сув бўлиб, одам бошига 526 м³ дан сув тўғри келади. Улар (йилига) шунинг 4,5 км³ идан фойдаланадилар. Бир кишига эса 528 м³ тўғри келади. Ёки Исроилда бир йилда 2,2 км³ сув бўлиб, одам бошига 382 м³ дан сув тўғри келади. Улар шунинг 1,85 км³ини ишлатадилар, киши бошига 408 м³ сув тўғри келади. Ўзбекистонимизда эса бир йилда 63,0 км³ сув бўлиб, одам бошига 2860 м³ дан сув тўғри келади. 1995 йилгача шу сувларнинг барчаси, яъни 63,0 км³ сув ишлатилган, бир киши 2860 м³ сувнинг барчасини ишлатган.

Табиийки, келтирилган кўрсаткичлар ҳақиқий манзарани айнан бир хиллик билан акс эттира олмайди, шундай бўлса-да, республикамизнинг потенциал имкониятларини бошқа мамлакатлар билан қиёсласак, Ўзбекистон замонавий шароитларда сув билан таъминланганлик бўйича Евроосиёнинг намчил зоналарида жойлашган бошқа мамлакатларга нисбатан яхши вазиятда эмас, лекин қуруқ зоналарда жойлашган Осиё ва Аф-

рика давлатларига нисбатан унинг тараққиётини белгиладиган етарлича сув ва ер ресурсларига эга.

Табиийки, мавжуд сув ресурслари захираларини талаб даражасига жалб қилмоқ техник имкониятлар комплекси ва тўғри иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Бундай ўлчовларнинг қўлами ва ҳажми аҳоли сонининг ўзгариш жараёнига — ўсиш ёки барқарорлаштиришга боғлиқ. Ҳозирги сув хўжалиги танглиги республикада қишлоқ аҳолисининг меҳнат билан шуғулланиши ва экотизимни, айниқса, Оролбўйи муаммоларини кескинлаштирди. Аҳолини суғориладиган ерлар билан таъминлашда айрим муаммоларни

сини ошириш, сувни тежайдиган суғориш усулларини жорий этиш, сувдан фойдаланиш режасига сувни айлантириш тизимини жорий қилиш, шунингдек ҳимояловчи ўрмон ўтказиш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари орқали етиш мумкин.

Иккинчи йўналиш сувдан фойдаланишни қисқартириш. Учинчи йўналиш оқава сувларнинг сифатини яхшилаш ҳисобланади. Тўртинчи йўналиш минераллаштирилган сувдан фойдаланиш бўлиб, унга сувни тозалаш ва чучуклаштириш, чучук сувлар билан аралаштириш каби йўللар билан эришилади. Шунингдек, асосий йўналишлардан бири табиий сув захираларининг чекланганлиги ва сувни тежашимиз шарт эканли-

натижалар қандай? Худди Навоий вилояти шароитига ўхшаб кетади.

Навоий вилоятининг тупроғи қумлоқ, бўз тупроқли, шўрроқ, қумлоқ тупроқ бўлса, Исроил давлатининг тупроғи — қумли, қумтошли, сариқ тупроқ ва тошли чўллардан иборат.

Навоий вилоятида маъданли ер ости ва ер усти сувлари ҳамда атмосфера ёгингарчиликлари ҳам фойдаланилган сув захираси йилига 2,4 км³ бўлса вилоят эҳтиёжи қопланади. Исроилда эса сув захираси 1,6 км³га тўғри келади. Йиллик суғориш меъёри Навоий вилоятида гектарига 13,9 минг м³, Исроилда эса гектарига 9,5 минг

Suvsiz hayot bo'lmaz

га эга. Лалмикор дехқончилик бўйича ҳам бой тажриба мавжуд. Вақти келганда шуни эслатиш керакки, фақат Ўзбекистондагина ўтган асрнинг 30-йилларида лалмикор ерларда 1 млн. тоннадан ортик дон, сабзавот, полиз, ем-хашак ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилди.

Сув ресурслари танқис шароитда ҳаво ёгинларидан фойдаланишнинг энг оддий мисолларидан бири чўлда тошдан қурилган увватлар ёмғир сувларининг тупроққа сингишини секинлаштиради ва табиий ўтларни, шунингдек, қишлоқ экинларини суғоради. Бундай усул ўз вақтида сув емирилиши билан курашда самарали ёрдам беради.

Сув хўжалиги ва демографик шароитнинг танглиги ҳозирги ва келгуси авлод олдига шундай муҳим муаммони қўядики, Ўрта Осиё халқларидан мавжуд ҳар литр сувни тежаш, ҳар бир сув манбасини ва унинг сифатини асрашни талаб қилади.

Экологик муаммоларнинг кўпаймаслиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун ҳар бир фуқаро — сувдан фойдаланувчи қуйидаги тушунчаларни чуқур англаши ва унутмаслиги лозим:

— Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларининг табиий чегараланганлигини;

— давлатнинг иқтисодий тармокларини сув билан таъминлаш, шунингдек, ижтимоий ва экологик заруратлар учун сарфланадиган молиявий ва моддий харажатлар катталигини;

— сувдан самарали фойдаланишдан қочмаслик ва келгуси авлод олдига сувнинг сифатини сақлаган ҳолда тежашдаги жавобгарликни;

— билимлар, услублар, усуллар ва сувни тежаш технологияларига эга бўлишни.

Сувни асрайлик, азизлар!

Н.ХАМРОЕВ,
академик



юзага келтирди. Агар 1960 йилда ҳар кишига 0,42 гектар тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 0,18 га гача тушди.

Давлатнинг барқарор ривожланишини таъминловчи шароит яратишда сув билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш, бой ер фондидан фойдаланишда маҳсулдорликни ошириш ва инсон омиллари қатнашувини фаоллаштириш билан белгиланади.

Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун, бизнинг назаримизда, бизга таклиф қилинган асосий йўналишларни амалга оширишда миллий стратегияни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Унинг биринчи асосий йўналиши сувни тежашдир. Бу мақсадга хўжаликлараро тармокларнинг ва хўжаликлардаги суғориш тизимининг техник даража-

га бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиришдир.

Ёгингарчиликлар, сувни минераллаштириш, шунингдек, сув буғланишини қисқартириш ва бир вақтда мавжуд юза ва ер ости сувларидан фойдаланиш унмдорлигини ошириш билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини яхшилаш имконига эга бўлади.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг ривожланиши учун лалмикор ерлар ва Қизилқум чўли муҳим резервга айланиши мумкин. Ўз вақтида шуни кўрсатиш керакки, Қизилқум чўли ўзининг табиий кўрсаткичлари ва шароити бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун дунёдаги яхши чўллардан ҳисобланади. Чет эл, мисол тариқасида Исроил давлатида сувдан қандай фойдаланишдаи ва

м³, киши бошига эса Навоийда 2540 м³, Исроилда 380,0 м³ сув тўғри келади. Экиннинг вегетация даври Навоий вилоятида 7 ойгача, Исроил давлатида 9 ойгачадир. Солиштириб кўринг, Навоий вилоятида тупроқнинг таркиби, сув таъминоти ҳам Исроил давлатидан яхшироқ. Бироқ Исроил 1 гектар ердан 60 центнер тола олса, Навоий вилоятида 35-38 центнерни ташкил этади.

Берилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Навоий вилояти табиий-климатик шароитлари бўйича Исроил давлатига кўп жиҳатдан ўхшаш, ҳатто мавжуд сув ресурслари, шудгорланадиган ерлари, яйловлари бўйича анча бой имкониятларга эга.

Ўрта Осиё халқлари тарихида лалмикор ерлар ва чўл минтақаларида ҳаво ёгинларидан фойдаланишда асрий тажриба-

АҚЛ ЁШДА ЭМАС, БОШДА

Қандли диабет — оғир касаллик. Табиб табиб эмас, бошига тушган табиб, деганларидек, камина бу касалликдан азоб чекиб кўплаб мутахассис шифокорларга учрашгандим. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёридаги Эндокринология институтининг қандли диабет хасталикларини даволаш шифохонасининг тажрибали шифокорлари Баҳриддин Холматов, Раъно Ҳошимовалар менга мадаккор булишди — даволашиб келишди.

Яқинда эса шифохонанинг бош шифокори Зухра Зуфарованинг маслаҳати ва ёрдами билан истараси иссиқ ёш шифокор олима қизга дуч келдим. Ҳали ўттиз беш ёшга тулғамон бу олима Замирахон Юсуф қизи Ҳалимова атрофлича таҳлиллар қилгач, бош айланиш хасталигининг индаллосини топиб, менга маслаҳатлар ва дори-дармонлар ёзиб берди. Ана шу маслаҳатлари билан даволанишни ўз қўлимга олдим ва тула-туқис мазкур касалликдан фориғ булдим. Шодлигим, хурсандчилигим ва кайфиятим кутаринкилигини қалбимга сиғдиrolмайман.

Замирахон Бухоро шаҳридаги 22-урта мактабни битириб, 1982 йили Тошкент Давлат медицина институтининг 1-даволаш факультетига ўқишга кирди. Ўқув жараёнида талабаларнинг илмий анжуманларида қатнашиб, долзарб мавзуларда маъ-

рузалар қилди. У уз иқтидори билан ўқитувчилар орасида илиқ муносабат уйғотди. 1988 йили ТошМИни имтиёзли диплом билан битирди. 1990 йилдан бошлаб атоқли тиббиёт олими, профессор Наби Мажиловнинг кафедрасига ишга утиб, неврологияда долзарб муаммо — диагностика бобида текширишлар олиб бора бошлади. Санкт-Петербург, Москва сингари шаҳарлардаги тиббиёт илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларида Ўзбекистон шароитида бош мия инсулти бўйича текширишлар олиб борди — Тошкент ва Сурхондарё шароитида бу касалликларнинг кўринишлари, уларга диагностика қўйиш, даволаш сирларини илмий жиҳатдан пухта урганди.


Иқтидорли ёш олима 1994 йили Москвада Неврология институтининг илмий кенгашида академик Н.Мажилов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 28 ёшида тиббиёт фанида биринчи булиб бош мия инсултининг магнит шамоли таъсирида фаоллашуви ва диагностикаси хусусидаги муаммони илмий жиҳатдан асослаб берди.

Замира Ҳалимова уз устида тинмай изланди. Эндокринология институтининг нейроэндокринология лабораториясида “Гипофиз аденомалари — усмаларнинг диагностикаси ва даволанишига янги ёндошиш” мавзусида тадқиқотларни давом эттирди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ушбу мавзу жаҳон тиббиёт илмида ечимини кутиб турган муаммо экан. Замира ана шу муаммони илмий жиҳатдан тулиқ урганиб, медицина соҳасида янгилик яратиб берди. Бу янгиликнинг мазмуни унинг диссертациясида қуйидагича талқин этилган: гипофиз усмалари ва уларни барвақт диагностика қилиш ҳамда замонавий усулда даволаш.

— Бундай усмалар бош мия усмаларининг 22 фоизини ташкил қилиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамларни жароҳатлайди. Улар узининг гармонал фаоллигига қараб турлича кечеди. Тана қисмларининг ҳаддан зиёд ушиб кетиши, патологик семириш, қон босимининг ошиб бориши суякларнинг муртлиги, жинсий фолиятнинг ҳам эркак ва ҳам аёлларда кескин пасайиши, ҳайз куришнинг тухтаб қолиши, бепуштликка, марказий нерв системасининг оғир жароҳатланиши, дастлаб куришнинг аста-секин пасайиши ва курликка олиб келиши туфайли гоят хавфлидир, - дейди биз билан суҳбатда Замира Ҳалимова.

Илмий ишини амалиётда синаб куриб, ҳаётга жорий этиш мақсадида Замирахон Италиянинг Прато шаҳрида Лондон шаҳридаги академик Ашли Барри Гроссманнинг нейроэндокринология лабораториясида фаолият курсатиб қайтди ва бир қанча илмий мақолалар, рисоалар эълон қилди. “Урта



Осиё шароитида мия инсултининг даврий кўриниши”, “Тошкент шароитида мия инсултининг бошланиш даврлари”, “Ўзбекистонда нейроэндокринологиянинг муаммолари ва келажги”, “Турли питктар усмаларда гипофизнинг захира функцияси” сингари ишлари шулар сирасидан.

Иқтидорли олима докторлик ишини шу йил 20 июнь куни Эндокринология институтининг таниқли олим, профессор Саид Исмоилов раҳбарлигидаги илмий кенгашида муваффақият билан ҳимоя қилди ва айтиш жоизки, бу жасорати билан олима ақл ёшда эмас, бошда эканлигини исботлади.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Мақтабга ёш ўқитувчи келди. Қўхлиқина, тортинчқиз. Ишни нимадан бошлашни билмай, жамоага аралашолмай, унга таъриф-тавсифини келтиришган муаллима опани суриштирди. Афсуски, Қаршиғул опа товлари қочиб, даволанишда экан.

Ta'lim fidoyilari

Кизгина мактаб ҳаётига — болалар шовқин-суронию, ўқувчиларнинг унга гоҳ ётсираб, гоҳ хайрхоҳларча қарашларига кун сайин кўникиб борар, танишиш орзусида юрган муаллима аёлнинг тезроқ ишга чиқишини бесабрлик билан кутарди.

... Ушал кун келди. Муаллима киз ўзининг тасавуридаги аёлга пешвоз чиқиб, одоб билан салом берди. Жилмайиб турган самимий бир чехра. Бир-бирларига нотаниш бўлсалар-да, ўртада ҳеч қандай гов йўқдек эди. Илк танишувдаёқ Дилфуза Қаршиғул опа билан онаю киздек бўлиб кетди.

— Агар болаларнинг ҳурматини қозонишни истасанг, уларга, аввало, кўнгил бер. Ана шунда уларнинг кўнглига ўтиришасан.

Болаларга кўнгил бериш. Бир айтишда бу иборанинг "юк"и енгил. Лекин мушоҳадага куч берсангиз, болаларга кўнгил бериш жуда катта санъат эканлигини эътироф этмай иложингиз йўқ. Аммо бунинг уддасидан ҳамма ўқитувчи ҳам чиқавермайди, тўғрироғи, чиқа олмайди.

Дилфуза ўшанда, илк танишган кезларидаёқ Қаршиғул опа дил тўридан чиқариб айтган сўзлар исбот талаб этмайдиган ҳақиқат эканлигига тан берган эди. Синфда сени кузатиб турган жуфт нигоҳлар... Улар кузатувчан, синчков, баъзан сенинг хатойинини ҳам тўғрилаб кўядилар. Меҳр-муҳаббат истаган бу кўзларга жонингни қалқон қилсанг ҳам арзийди. Ёш муаллима англади: устоzi таъкидлаганидек, болаларга кўнгил бермай туриб, уларга яқинлашиб ҳам, билим бериб ҳам

МАКТАБ ДЕЯ ЁНГАН ЮРАК

бўлмас экан.

x x x

Қаршиғул Норкулованинг югур-югурлари билан ташкил этилган Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг бошлангич синфларида ихтисослашган таълим тизими йўлга қўйилган. Боғча-мактаб мажмуасида боласини ўқитиш илмининг ота-оналар сон-саноксиз.

Умумтаълим мактабларидаги фанлардан ташқари "Иқтисод ва экологик маданият", "Иқтисод ва амалий математика", "Мантиқий тафаккур", "Муסיқий маданият", "Компьютер сабоқлари", "Инглиз ва рус тили машғулоти" мужассамлаштирилган. Болалар бу ерга "чертиб-чертиб" қабул қилинади. Ҳар бир синфда ўқувчилар сони 25 нафардан ошмайди.

1997 йилдан бошланган ҳаракатнинг давоми Қаршиғул опани унчалик қониқтирмаяпти. Иқтидорли болаларни ўқитадиган кироий бинонинг ўзи йўқ. 526-болалар боғчасида 1-синфлар жойлашишга-ку жойлашган, лекин ортиқча ташиш кимга ҳам ёқади? Ахир боғчанинг ҳам ўзига хос муаммолари бор.

Бошлангич синфларнинг номланишида "А", "Б", "В" ҳарфларини эмас, "И", "Т" белгиларини кўриб, таажжубланганимизда Қаршиғул опа уларда: "иқтидор", "тадбиркор", "тараққийёт" каби сўзлар яширинганини таъкидладилар.

Дарвоқе, яқинда Қаршиғул Норкулованинг хизматлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига лойиқ топилди. Бунга қадар олган кўрак нишонлари ҳам бор. 200-мактабда бошлангич таълимни ихтисослашган шаклда олиб бориш ташаббусининг бошида турган Қаршиғул Норкулова ва унинг ҳамкасбларини кўли узунроқ ваколатли ташкилотлар кўллаб-қувватлашса, чакки иш бўлмасди.

Опанинг тасавуридаги даргоҳ шундай бўлиши керак: болалар бу ерга "адашиб" тушиб қолмасин. Илдан-йилга унинг ақлий салоҳияти машғулотлар таъсирида ривожлана боради. Таянч мактабда эса у янада ривожлантирилади. Шу тариқа поғонама-поғона ўсиш, ривожланиш... Энг ноёб кадр ана шундай иқтидорли болалардан етишиб чиқади.

Ниятларингиз ижобат бўлсин, Қаршиғул опа! Сиз орзу қилган бундай мактаблар, аслида ҳаммага ҳам ёқади.

Хулқар ТҲЙМАНОВА

НИҲОЛЛАРИ МЕВА БЕРГАН МУАЛЛИМА

Ўқитувчини болалар боғбони десак, янглишмаган бўламиз. Айниқса, бошлангич синф ўқитувчиси мактабга илк қадам қўйган мурғак қалбларга эзгулик ниҳолни ўтказувчидир. Бу ниҳол улғаявергани сари ўқитувчидан мураккаброқ парвариш кутади. Ниҳолнинг қандай ўсиши эса, албатта, боғбоннинг маҳоратига боғлиқ. Қашқадарёнинг Яккабоғ туманидаги Имомёқуб қишлоғининг аксарият ёшлари моҳир педагог Тошнннз Сиддиқова парваришини олиб улғайган ёшлардир. Дастлаб Шаҳрисабз педагогика билим юртининг бошлангич таълим методикаси бўлимини, сунгра Ҳамид Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика институтининг бошлангич таълим педагогикаси ва методикаси бўлимини тугатган Т.Сиддиқова 1976 йилдан бери тумандаги Охундов номли 36-урта мактабда бошлангич синфлар илмий мудири вазифасида ишлаб келади. Муаллиманинг дастлабки "ниҳол"лари аллақачон улғайиб, "мева"га кирган. Қўллаб шогирдлари бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудида турли жабҳаларда эл хизматдалар. Жонкуяр муаллима Тошннз Сиддиқова узининг иш фаолияти давомида туман, вилоят миқёсида ўтказиладиган турли кўриктанловлардаги муваффақиятлари учун туман ХТБ ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаларининг фаврий ёрликларига сазовор булган. Шунингдек, у тажрибали ўқитувчи сифатида бошлангич синф ўқитувчилари шуъба йиғилишларида узининг услубий маърузалари билан қатнашиб келаётган.

Олий тоифали ўқитувчи Тошннз Сиддиқова раҳбарлигида туман миқёсида "Иқтидорли синф" талбирлари ўтказилиб келинади. Етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган муаллима қишлоқ хотин-қизлар кенгашининг раиса-си сифатида ҳам фаолият юритади. Сузимиз охирида жонкуяр муаллимага ниятимиз шуки, ҳаётидан, қилаётган эзгу ишларидан фаровонлик аримасин.

Р.ШОЙМАРДОНОВ,
Яккабоғ туман ХТБ
методисти

Мутафаккирларимиз айтганларидек, "Аёл — буюк сўз. Унда кизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати муҳассамлашган".

Мен ана шундай фидойи инсон, Боғот туманидаги И.Жабборов номли 12-урта мактаб ўқитувчиси Венера Комилова ҳақида сўз юритмоқчиман. 1956 йили Хива педагогика билим юртини тугатиб ишга келганда ҳали ёшгина киз эди. Ота-онаси ўқитувчи бўлганлиги туфайли Венера ҳам ўзининг бутун билими ва маҳоратини ёш авлод тарбиясига бағишлади. "Ўргатмоқ учун сўкиш, ёрдам бермоқ учун ҳақорат қилиш шарт эмас, - дейди устоз муаллима, - балки ҳар бир боланинг қалбини тўғри тушуниб, уларнинг диққат-эътиборини фақат ўрганилаётган нарсасига жалб этишдадир".

Тасаввур қилинг, фан оламининг қизиқарли денгизига кириб келаётган жажжи ўғил-қизларимизни, кўзларини пирпира-тиб, қўлларига ручка ушлашга ҳам ийманиб турадиган жажжи қишлоқ болаларини. Уларнинг кўлига илк бор қалам тутқазиб, "Она", "Ватан" каби муқаддас сўзларни ёзишни ва ўқишни ўргатасиз. Уларни аста-секин математиканинг сирли оламга етаклайсиз. Шундай қилиб, қисқа вақт ичида болалар ўқишни, сана-шини ва ёзишни ўрганиб олишади.

Венера опа ҳар бир дарсга астойдил тайёрланади, ўқувчилар учун ижодий муҳит яратади, кўргазмали қуроллар тайёрлайди. Ҳар бир темага хос расмлар, альбомлар, тарқатма мате-

БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР

риалларни у эринмасдан тайёрлайди ва улардан дарс давомида унумли фойдаланади.

Синфдан ташқари ишлар ҳам ўқувчиларнинг билим ва ма-лакаларини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам мактабда ўтказиладиган ҳар бир шодиёнада унинг ўқувчилари фаол қатнашиб келади. Наврўз байрами, "Сумалак" сайл-ларида устознинг ўзи бош-қош, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан биргаликда иштирок этадилар. "Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг шунга, кимни ўқитсанг унга меҳр қўймоғинг зарур, деганларидек, мен ҳам меҳримни ва билимимни кич-кинтой, азиз болажонларимга бағишлаганман", - дейди опа.

Опани яқинда маҳалла хотин-қизларига бош қилиб сайлаш-ди. Бу унинг зиммасига яна бир масъулият қўйилди демак-дир. Чунки ҳар бир тўй-маъракага бош-қош бўлишнинг ўзи бўлмайди.

Венера опанинг турмуш ўртоғи Йўлдош Нурметов ҳам мураббий устоздир. Улар биргаликда ишда ҳам, уйда ҳам ҳам-фикрдирлар. Венера опа меҳрибон она, қалби уммон қайно-надир. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли. Фақат Замира ва Юлдуз ота-она касбини танлашди, қолганлари тиб-биёт сирларини ўрганиб, кишилар саломатлиги йўлида меҳнат қилишмоқда. Келини Нилуфар ҳам ўзини болалар тарбиясига бағишлаган. Мактабда у ҳам севимли устоз, моҳир мураббий-дир.

Ҳа, Венера опа ана шундай пиру бадавлат онахон, сершо-гирд устоздир. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари ишлаб чиқар-ишнинг турли соҳаларида астойдил меҳнат қилишмоқда. Биз "Халқ маорифи аълочиси" бўлган устозга сермашаққат ишлар-ида камолот, оилавий бахт тилаб қоламиз.

Гулчеҳра РАҲИМОВА,
муаллима

Қалбинга ўғитлари малҳам-дек урнашган муқтабар инсонлар ҳақида уйлар экансан, уларнинг сунмас қиёфалари беихти-ёр куз унгинда гавдаланади. Ана шундай инсонлардан бири Қургонтепа туманидаги Дехқончек (собиқ Турачек) қишлоғида таваллуд толган, камтарин зиёкор сифатида ҳаётини ва меҳнат фаолиятини Хонобод шаҳридаги халқ таълими муассасаларида хизмат қилиб ўтказган Султонхон Адхамов эди.

Султонхон аканинг ёшлиги узи туғилиб усган қишлоғида ўтди. Адхам бобо эндигина 4-5 баҳорни қаршилаган Султонхоннинг болаларга хос бетиним хатти-ҳаракати, ҳар нарсасига кизиқувчан ва зийраклигини зимдан кузатгани боис, невараси мактаб ёшига етмасданок, унга дастлабки билим куникмаларини бера бошлади.

Орадан кўп ўтмай, мактабдан ташқари пайтларда унга одоб ва ахлоқдан тарбия бериш падарни бузруквори Аъзамхон ота ва онаси Тожихон аялар зиммасига тушди.

Султонхон аканинг ёшлик ва ўсмирлик даври бир ёқдан 30-йиллардаги очарчилик, "коллективлаштириш" сиёсати аявжга чиққан, бошқа томондан эса иккинчи жаҳон уруши давридаги мудҳиш суронли йилларга тўғри келди. Бироқ у узи танлаган ойдин йулдан, яъни уни устириб-улғайтирган халқига,

она юртига баҳоли қудрат зиё тарқатишдек машаққатли, аммо гоят олийжаноб хизматдан қайтмади. Ёш бўлса-да, теран фикрлаши, ҳозиржавоблиги, ҳар хил ҳужжатларни расмийлаштиришдаги саводхонлиги ва маҳалла аҳлига беминнат хизмати боис, ун беш ёшга тулиб-тулмади Дехқончек қишлоқ идорасида котиблик қилди. Шундан кейин дастлаб ўзи тахсил олган тулиқсиз ўрта мактабда оддий ўқитувчи, сунгра илмий мудир, 1950 йилгача эса мазкур мактаб директори лавозимида фаолият курсатди. Армия сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, масъул ишларда меҳнат қилди.

Шуниси диққатга сазоворки, салкам ярим асрлик зиё тарқатишдек шарафли меҳнати мобайнида



ҚАДРУ ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

устоз Султонхон Адхамов оддий ўқитувчиликдан ўзи изчил фаолият курсатган туман халқ таълими бўлими мудири лавозимигача булган ҳаёт суҳмоқларини босиб ўтди.

Халқ таълими тизимида фаол хизмат курсатгани, қонунбузарликларни бартараф этишда фаоллик курсатгани, қишлоқ аҳлининг беғараз маслаҳатгуйи сифатидаги ҳам-

хурликлари бугун Султонхон акани кўрган, билган юртдошларининг ёдида. Айтишларича, ҳатто дам олиш кунлари оила даврасида, неваралари билан бир дам чарчогини ёзиш учун утирганда ҳам маҳалла-қуйдан кимдир қандайдир кўмак сураб келса, домла ҳеч бир эътироз қилмай ёрдамга шошаркан. Унинг маҳалла аҳли ташвишида тиним билмаслигидан неварала-

ри баъзан нолиб қолишса, домла босиқлик билан: "Болаларим, яхшилиқни қилишдан қочманг, яхшилиқ қилгач, асло таъна, миннатга йул қўйманг. Ота-боболаримиздан қолган нақл бор: қилган яхшилигингни миннат қилдинг — йўқ қилдинг, у ҳақда огиз очмадинг, хўп қилдинг, деган" дерди.

Мана, юртимиз мустақилликка эришиб, ёруғ кунларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Истиқлол шарофати, Юртбошимиз сазй-ҳаракатлари туфайли домла орзу қилган мустақиллик неъматлари қулга киритилди — пухта билим бериб, ёш авлодни қомил инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур булган шарт-шароитлар муҳайё этилди. Агар Султонхон Адхамов ҳаёт булганларида бу йил етмиш беш баҳорни

қаршилаб мустақиллик гаштини биз билан бирга баҳам кўрган булар эдилар.

Сирасини айтганда, домла нафақат эл-юртга зиё-маърифат тарқатиш билангина банд булди, балки тўрт қиз, бир ўғил фарзанд қолдирди. У оиланинг меҳрибон отаси, чинакам гамхўри эди. Унинг турмуш ўртоғи — хонадон бекаси, кенг қалб эгаси Маҳбубахон ая

Xotira

ҳам, уй-рузғор ташвишлари билан яшаб, борини авайлаб-асраб, рузғорга кут-барака киритиш пайида булди. Ая эскича илмдан хат-хабари булишига қарамай, енгил-елпи меҳнат билан даромад топиш йўлини тутмади, тикув-бичув ишларига моҳир булгани боис, рузғор тебратишда домланинг ёнида булди. Муҳими, улар фарзандларининг жамиятда ўз уринларини топишларида, касб-кор танлашларида, турли олий ўқув юртларида билим олишларида бош-қош булдилар. Шу кунларда Султонхон аканинг ўғил-қизлари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат курсатишнинг турли жабҳаларида фидо-корона меҳнат қилмоқдалар. Ота касбини улуғлаган Насиббахон исмли қизлари эса Украинанинг Херсон шаҳридаги Педагогика институтини тамомлаб қайтгач, аввал Хонобод шаҳрида, сунг Избоскан туманидаги мактабларнинг бирида чорак асрдан буён ўқитувчилик қилиб келмоқда. Фарзандлар байрам ва кўтлуг кунларда ҳозирда оналари Маҳбубахон ая яшаётган, улар учун қадрдон масканга айланган оталари ҳовлисига жам булишиб, падарни бузрукворларини хотирлаб, руҳларини шод этишади.

Абдурахим ЭРГАШЕВ,
Холмирза МАТКАРИМОВ

20 март. Крэнли билан менинг исёмени ҳақида узундан-узоқ гаплашилди.

У бир нималарни жиддий уқтиришга уринди. Мен ўзимни эшитаётганга солдим, ҳурматини бажо келтираётгандай кўрсатдим ўзимни. У онасини яхши кўришини гапиравериб жонимга тегди. Онасини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилди, тасаввур қилолмадим. Бир сафар, ўзи туғилганда отаси олтмиш бир ёшда бўлгани бехос оғзидан чиқиб кетган. Тасаввур қилса бўлади. Келбати келишган фермер. Эгнида қорувли костюм. Мошгуруч соқоли кузалмаган. Афтидан този қувиб ов қилади. Аэрсесдаги ҳазрат Дваерга черков бадалини бинойидай тўлаб туради, бироқ жуда кўли очик деб бўлмайди. Кечкурунлари қизлар билан валақлашиб ўтиришдан зерикмайди. Онаси-чи? Жуда ёшми ёки мункиллаб қолганми? Ёш бўлмаса керак, унда Крэнли бошқача гапирган бўларди. Демак, қари. Эҳтимол, қаровсиздир. Юрагидаги алам шундан: Крэнли — қуриб-чириётган дарахт меваси.

21 март, эрталаб. Бу ҳақда кеча оқшом тўшақда ётиб ўйладим, бироқ ҳозир ҳеч нарса ёқмаяпти, қўлим бор-маяпти, шунинг учун ёзмадим. Ҳа, озод қушдайман. Қуриб-чириётган дарахтлар — бу Елизавета ва Захария¹. Демак, у — Мубашшир. Дудланган тўш ва қуртилган анжир билан озикланиши бежиз эмас. Тушунгин-да: емиши чигирткаю ёввойи асал². Яна — қачон у ҳақда ўйласам, мудом бешафқат чопилган бош ёки кулранг парда орасидан мўралаган жонсиз ниқоб, ё бўлмаса боқий Халоскор кўз олдимга келади. Бош олиш — бу уларда шундай аталади. Латин дарвозасида

Иоанн кўрсатган мўъжизани тушунолмаман³. Мен ўзи нимани кўраётман? Қулфни бузишга зўр бераётган бошсиз Мубашширни.

21 март, оқшом. Озодман. Рухим энгил, ўй-хаёлим эркин. Қўй, майли, ўлик жонлар ўзларининг мурдаларини дафн этаверсин⁴. Ҳа, Майли, тирик мурдалар ўлик жонлари билан қовушаверсин.

22 март. Линч билан бирга касалхонанинг касал боқувчи семиз аёли ортидан судралиб юрдим. Линчнинг ўйлаб топгани. Икки озгин оч този бузоқ кетидан тушган.

23 март. Уни ўша оқшомдан бери учратганим йўқ. Тоби йўқмикан? Камин олдида ўтиргандир-да онасининг шол рўмолига бурканиб. Бироқ парво қилмайди. Овқатингни еб олгин!

24 март. Онам билан тортишишдан бошланди. Мавзу — Биби Марям. Ёшим ва жинсимга кўра ноқулай ҳолатда эдим. Баҳона топиб, вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлиб, Иисуснинг отаси билан ва Мариянинг ўғли билан муносабатларини мисол қилиб келтирдим. Дин — туғишга ёрдам берадиган жой эмас, дедим. Онам кўнгилчан. Сенинг хаёлинг бузуқ, деб айтди, мен кўп китоб ўқирканман. Нотўғри. Кам ўқийман, кам тушунаман. Кейин у, ҳали сен динга қайтасан, деди, ҳозир ақлим унча тиниклашмаган экан. Буни қандай тушунса бўлади: бу черковни гуноҳнинг қора туйнугидан тарк этиш ва унга овоз чиқариб қилинадиган тавба-тазарру эшигидан қайтиб киришми? Тавба қилолмайман. Унга худди шундай деб айтдим. Олти пенс бериб туринг, дедим. Уч пенс берди. Кейин университетга бордим. Юмалоқбош Гецц билан иккинчи бор тўқнашдим, унинг кўзлари тулкиники-

дай. Бу сафар Бруно⁵ баҳона бўлди. Гапини италянча бошлаб, бузилган инглизчада тугатди. Бруно шафқатсиз шаккоқ бўлган, деди у. Мен эса уни оловда шафқатсиз ёқишган, дедим. У ҳеч бир гинасиз менинг гапимга кўшилди. Кейин у risotto alla bargamasca деб номландиган италян миллий таомининг рецептини берди. У "о"ни юмшатиб айтганда қалин, гўшторд лабларини чўчайтиради. Товушни мучилаётгандай туюлади. Эҳтимол, муччилар? У тавба қила олармикан? Ҳа, бўлмаса-чи, иккита қув кўзидан бир-бир томчидан икки томчи обидийдасини тўқади.

Стивенс-Грин-паркни, менинг паркимни, оралаб ўтаётиб эсладим: ахир, ўша оқшом Крэнли бизнинг динимиз деб атаган динни менинг эмас, Геццининг ватандошлари ўйлаб топишган. Тўксон еттинчи полкнинг аскарлари тўртовлон хоч тагида ўтиришибди ва қуръа ташлашиб, хочга чормих қилинганнинг кийимини бўлашиб олишаётир⁶.

Кутубхонага бордим, учта журнални ўқимоқчи бўлдим. Фойдаси йўқ. У ҳалиям қорасини кўрсатгани йўқ. Мени бу кизиқтиради-ми? Нимаси кизиқтиради? Энди уни ҳеч қачон кўрмаслигимми? Блейк ёзган:

Кўрқаман, чунки Уильям Бонд қазо қилди, Чунки у узоқ ва оғир ётди⁷.

Афсус, бечора Уильям!⁸ Қандайдир сабаб билан Ротонд⁹га борган эдим. Томошанинг охирида киборларнинг қиёфаларини кўрсатишди.

Жеймс Жойс

МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОЙИЛИ

Роман

Уларнинг орасида яқингинада қазо қилган Уильям Юарт Гладстон¹⁰ ҳам бор. Оркестр "О, Вилли, қанийди орамизда бўлсан!"¹¹ни ижро этди.

25 март, эрталаб. Туни билан алақчалақ тушлар кўрдим. Қанийди, бир силкиниб баридан халос бўлсанг.

Узун буралган даҳлиз. Ердан тепага устундай буралиб қоп-қора буг кўтарилади. Аллақандай афсонавий қиролларнинг сон-саноксиз ҳайкаллари. Уларнинг ҳорғин қўллари тиззаларида, кўзларини ёш қоплаган, чунки уларнинг кўз ўнгида бандаларнинг гуноҳлари қоп-қора буг бўлиб кўтарилиб турибди.

Яна гордан ғалати жуссалар чиқиб келади. Бўй-баста одамларниқидан пастрок. Гўё улар бир-бирига кўшилгандай. Уларнинг қоронғида нурланиб кўринган юзларида тарам-тарам қора чизиқ. Улар менга тикилиб қарайди, кўзларида эса савол аломати. Миқ этмайди.

30 март. Бугун кечкурун кутубхона эшиги олдида Крэнли Диксон билан унинг акасига топишмоқ айтди. Она боласини Нил дарёсига тушириб юборди. Ҳали ҳам она меҳри билан банд. Гўдакни тилсоҳа тутиб олди. Она тилсоҳадан боласини қайтариб беришни сўраяпти. Тилсоҳа рози: майли, фақат битта шарт бор, айт-чи, болани мен нима қилмоқчиман — уни ямлаб ютаманми, йўқми, дейди тилсоҳа.

Бундай фикрлаш тарзи, ҳақиқатан ҳам, фақат сизнинг чиркин муҳитдан, сизнинг куёшингиз остидан чиқishi мумкин, деган бўларди Лепид¹².

Меники-чи? Меникининг нимаси афзал? Нилга ташла уни, дарёга чўқтир!

1 апрель. Охирги гап ёқмаяпти.

2 апрель. Уни кўрдим, Жонстон кафеда Муни ва О'Брайен билан пирожний еб, чой ичаётганди. Тўғри, биринчи бўлиб Линч тулки, биз ўтиб бораётганда, уни кўриб қолди. Линч менга, унинг акаси Крэнлини уйларига таклиф қилди, деб айтди. У ўзи билан бирга тим-

соҳини ҳам олишни унутмадиммикан? Демак, энди у олам чироғи бўлдим?¹³ Уни мен кашф этгандим-ку. Ишонтириб айтаман, мен! Юрарди уиклоулик шўртумшуклар ичида биқиниб.

3 апрель. Финлейтер черкови қаршисидаги тамаки дўқонида Дейвинни учратдим. У қора свитерда, кўлида чавгон. Мендан, чиндан ҳам жўнаб кетаяпсанми, нега, деб сўради. Мен унга Тара¹⁴га бориладиган қисқа йўл — via¹⁵ Холихед, дедим. Шу пайт отам келиб қолди. Уларни таништирдим. Отам хурмат билан эътибор қилди. Дейвинга тамадди қилиб олишни таклиф этди. Дейвин боролмади — намоишга шошаётган эди. Биз узоқлашгач, отам унинг чехраси очик экан, деди. Мендан нега эшакчилар клубига ёзилмадинг, деб сўради. Ўйлаб кўришга ваъда бердим. Кейин у менга бир пайтлар Пеннифезерни қандай хафа қилганини гапириб берди. Менинг юрист бўлишимни хоҳлайди. Бу сенинг бурчинг, дейди. Яна Нил ботқоғи, тилсоҳалари билан.

5 апрель. Авжи баҳор. Паға-паға булутлар сузади. О, ҳаёт! Қорамтар лойқа сув мавж уриб оқади, тепадан олма дарахтлари нозик барглари тўкиб туради. Барглар орасидан қизларнинг кўзлари интизор боқади. Қизлар — одобли ва шўх. Бари оқсариқ ёки малласоч. Қорасочлиси керакмас. Оқсарик сочли қизларнинг юзлари нақшолмадай. Бир сакраб тутсанг!

6 апрель. У ўзининг ўтмишини эслайди, албатта. Ҳамма аёллар эслайди, дейди Линч. Демак, у ҳам ўзининг ва ҳам менинг болалигимни эслайди, агар мен қачондир бола бўлган бўлсам. Ўтмишни бугун ўз қомига тортади, бугун эса фақат келажакни пайдо қилиш илинжида яшайди. Агар Линчнинг гапи тўғри бўлса, аёлнинг ҳайкали доимо эгнида кийими билан ясалган бўлиши ва аёл бир қўли билан кетини уялинкараб бекитиб туриши керак.

(Давоми бор.)

Изоҳлар:

1. Инжилда айтилганидек, Иоанн Мубашшир (Иоанн Крестител)нинг мункиллаб қолган ота-онаси.

2. Инжилга қўра, қўлда Иоанн чигиртка ва ёввойи асал билан озикланган.

3. Стивеннинг хаёли беихтиёр Иоанн Мубашширдан Иоанн Инжилчига бориб боғланаётган. Стивен Иоанн Инжилчининг Римда Латин дарвозаси олдида ўзини таъкиб этиб келаяётган аскарлардан мўъжиза курсатиб халос булгани ҳақидаги ривоятни эслаётир.

4. Инжилдан.

5. Жордано Бруно.

6. Стивен Инжил матнига ишора қилаётир: "Аскарлар Иисусни михлаб бўлиб, Унинг кийимини олдилар. Ҳар аскарга бир парчадан теккудай қилиб, кийимни турт булакка бўлдилар..."

7. Инглиз шоири Уильям Блейкнинг (1757-1827) "Уильям Бонд" шеърдан; шеърда ҳазил оҳангда муҳаббат дардида улган ошиқ ҳақида ёзилади.

8. Гамлетнинг сузлари узгартирилиб ишлатилган: "Афсус, бечора Иорик".

9. Жойс яшаган даврдаги концерт зали; бу ерда мажлислар ўтказилган, Парнелл бу сахнада кўп нутқлар ирод этган.

10. Уильям Юарт Гладстон (1809-1898) — инглиз давлат арбоби, либераллар йўлбошчиси, бош вазир (1868-1874). У Ирландиядаги миллий-озодлик ҳаракатини шафқатсиз бостирган, бироқ баъзан ён берган пайтлари ҳам бўлган. 1886 йили парламентта "томрул" тўғрисида қонун лойиҳасини тақдим этиб, ташаббуси чиппакка чиққач, истеъфо берган.

11. Америкалик композитор Стивен Фостернинг (1826-1864) қўшиғи.

12. Кенжа Лепид Марк Эмили (эрамиздан олдинги 89-13/12 йиллар) — римлик сиёсий арбоб, Цезарининг сафдоши. Бу уринда Жойс Шекспирнинг "Антони ва Клеопатра" пьесасидаги Лепиднинг қуйидаги гапига мос гап қилган: "Сизнинг мисрлик газандаларингиз сизнинг миср боткогингиздан ва айнан сизнинг миср куёшингиздан пайдо булади. Мана, масалан, тилсоҳа".

13. Бу уринда Инжил сузларига ишора бор: "Сиз — олам чироғисиз... Шамни олиб келиб, идишинг ёки чорпояннинг тағига қўядими? Аксинча, шамдонга қўймайдими?..."

14. Тара — Ирландиянинг қадимий пойтахти, ирланд олтин асрининг тилсоҳи. Холихед — Уэльс гарбий киргоғидаги бандагроҳ, Ирландиядан йўлга чиққан кемалар шу ерга келди. Стивен бу гапи билан: қувгин — Ирландияни биллиш ва тушунишнинг қисқа йўли, демоқда.

15. Орқали (лотинча).

ТАЪЛИМ: ИЖОД, ХАВФСИЗЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ МУҲИТИ

Кейинги ўн йилликда юз бераётган ўзгаришлар шуни кўрсатадики, таълим тизими жамият ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Бутун дунё халқларида кузатиш мумкин бўлган бир жиҳат — фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини аввало таълим соҳасига жалб этиш, синаб кўриш, натижаларни таҳлил қилиш яқунланаётган асримизга хос хусусиятдир. Муҳими, янгилик жорий этилган таълим муассасасида (қайси мамлакат, қандай миллат ёки бошқача ижтимоий фарқлар бўлишидан қатъий назар) муваффақият ва ижобий натижаларни кузатиш мумкин. Таълимдаги муваффақият шуниси билан характерланадики, уни ис-талган мамлакат ёки шароитда, маданиятда такрорлаш мумкин. "Таълимдаги революция" дея таъриф олган бу жараёнга турли шакл ва кўринишларда дунёнинг хоҳлаган нуқтасида гувоҳ бўлиш мумкин. Бу революциянинг икки асоси мавжуд. Биринчиси — замонавий, сифатли таълим олиш имконияти яратилгани бўлса, иккинчиси — бола ҳуқуқларининг тан олиншидир.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 28-моддасида ҳам "барча болалар ҳеч қандай камситишларсиз таълим олиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгилаб қўйилган. Ва бу талаб дунё давлатлари томонидан деярли қондирилди. Шунингдек, бугунги таълим жараёни "эшитувчи ўқувчи"ни бевосита "иштирокчи ўрганувчи"га айлантирмоқда. Бу ҳолат бола қизиқишларини сақлаш, фикрий фаолиятни таъминлаш, муаммоларга индивидуал ечим излаш ва топиш кўникмасини ривожлантириш, келажак ҳаётга тайёрланиш имконини беради. Айни пайтда "таълим сифати" деган тушунчани ўқув режаси, ўқув жиҳозлари ва бошқа шарт-шароитлар билан изоҳлаш нотўғри бўлар эди. У жинсий тенглик, саломатлик ва овқатланиш, ота-оналар ҳамда жамоатчиликнинг муаммолари, таълим тизимининг бошқарлиши каби турфа хил ижтимоий масалаларни қамраб олади. Шу сабаб тўғри ташкил этилган таълим тизими бу жамиятда инсон камолотини, аёллар ва болалар турмуш тарзининг яхшиланишини, қашшоқлик барҳам топишини таъминлайди.

Чуқур ислохотлар кечаётган ўзбек миллий таълим тизими ҳам йил сайин ўзгариб бораёпти. Мактаб эндиликда ижод ўчоғи, хавфсизлик ва ривожланиш макони, болага умуминсоний қадриятлар сингадиган, ҳаётга тайёрловчи даргоҳ сифатида намоён бўлмоқда.

ЮНИСЕФнинг
«Таълим» ахборот
журнали асосида
Ф.РАХИМОВ тайёрлади

ЕР
ЮЗИДА


Белоруссиядаги парламент сайловларининг иккинчи босқичи газнага 232 миллион 770 минг рублга тушади, деб хабар қилади Бела-ПАН агентлиги.

Чеченистонда ўтган бир неча кунлар мобайнида ми-

лиция 40 та оператив-қидирув тадбирларини ўтказди.

Ажарияда ҳалокатга учраган ИЛ-18 самолётидаги қурбонларнинг жасадлари Ростов-Донга шахсини аниқлаш учун юборилади.

Сахалиндаги губернаторлик сайловларининг якуни расмий равишда эълон қилинди. Унга кўра, сайловларда Игорь Фархутдинов ғолиб чиқди.



Жосусликда айбланаётган бизнесмен Поупнинг рафикаси Россия президенти билан учрашишни талаб қиляпти,

деб хабар қилади Интерфакс агентлиги.

Подмосковьеда героин моддасининг йирик партияси кўлга туширилди.

Президент Билл Клинтон демократлар номзоди Альберт Горни Калифорния штатида бевосита кўллаб-қувватлашга аҳд қилди [Интерфакс].

Украинанинг Донецк вилоятида вертолёт кўлга кулаб тушди. Қурбонлар бўлмади.

Парижда учинчи аэропорт қурилади.

Доғистондаги Бўйноқда маҳаллий кишилардан бирининг чўнтагидаги портловчи ускуна ишга тушиб, ҳалок бўлди.

Исроилда жангари ислом гуруҳлари раҳбарларининг террористик ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги пўписаси тез-тез учрамоқда, деб хабар қилади Интерфакс.

КЛЕОПАТРАНИНГ ДАСТХАТИ
ТОПИЛДИ

Яқинда Берлиндаги Миср музейининг кўшимча ҳужжатхонасидан антика ёзма ҳужжат топилди. Ушбу ёзма ёдгорлик эраиздан аввалги 69-30 йилларда яшаган малика Клеопатранинг ҳозирча топилган яккаю ягона дастхати бўлиб чиқди. Гўзал Клеопатра қадимги папирус қоғозидидаги буйруққа юнонча: "Мен шуни амр этдим" деб кўл кўйган.

Ушбу ҳужжат Қадимги Миср ҳукмронларининг ягона ёзма далили деб қаралмоқда. Чунки уларнинг кўпчилиги ёзишни билмаган.

АҚШДА ҚОР
МАЛИКАСИ
ҲУКМРОНЛИК
ҚИЛМОҚДА

АҚШ ҳудудининг катта қисмида куз фаслига хос бўлмаган қаттиқ совуқ ҳукмрон.

1895 йилдан бери кузатилмаган паст ҳарорат душанба кунини Миннесота штатининг бир неча шаҳрида қайд этилди. Бу ерда термометр кўрсаткичи Цельсий бўйича минус 10 даражага тушиб кетди. Шунингдек, Спрингфилд (Иллинойс штати)да ҳам бу борада ўзига хос рекорд ўрнатилди — минус 4 даража.

Нью-Йорк, Арканзас, Алабама, Жоржия ва яна 15 та штатда октябрь ойининг биринчи ярмида бундай совуқ тушиши бир неча ўн йиллар давомида кузатилмаган натижани кўрсатди. Мичиган штатининг Катта кўллар туманида икки-уч кундан бери ёғадиган қор бир қанча автомагистраллар йўл ҳаракатини сусайтирган. АҚШ жанубида эса — Техаснинг гарбий қисмида қор ва ёмғир аралаш кучли бўрон электроузатиш тармоқларига зиён келтирди ва 4500 уйни электр энергиясиз қолдирди.

Европа комиссияси уй ҳайвонларининг Евроиттифоқ мамлакатлари чегаралари орқали ҳаракатланиш қоидаларини қайта кўриб чиқишни таклиф этди. Бу иш хўжайинлари ўз ит ва мушукларини уик-энд ёки давомли сафарларга чет элга шундай ҳоллардаги одатий карантиндан холи ҳолда олиб кетишлари учун қилинаётир.

ИТ ВА МУШУКЛАР
УЧУН ПЛАСТИК
КАРТОЧКАЛАР

Чет эл сафарларига отланаётганда уй ҳайвонлари ҳақидаги маълумотларни махсус электрон картага киритиш таклиф этилади. Унда уй ҳайвонларининг зотидан тортиб то сўнги марта қачон эмлангану қандай қилиқлари борлиги ҳақидаги барча маълумотлар мавжуд бўлади. Шундай карточкали жониворлар ЕИ чегараларидан ўз хўжайинларидек бемалол ўтишлари мумкин.

Масаланинг бир томони қолган, ушбу таклифлар авваломбор Европа иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳукуматлари томонидан маъқулланиши ва шундан сўнг Европарламент томонидан тасдиқланиши шарт.

Лос-Анжелес университетининг бир гуруҳ астрономлари бизнинг галактикамиз — Сомон йўли марказида жуда улкан қора

ўқ отар А нуктаси билан амалда мос келар экан.

Ушбу марказ Күёшдек келадиган 2.6 миллион юлдузга ўз ичи-

этолмайди. Шу сабабли туйнукни амалда кўриб бўлмайди. Берилган ҳодисотда эса, олимларнинг сўзларига қараганда, қора туй-

СОМОН ЙЎЛИДАГИ ҚОРА ТУЙНУК

туйнукни аниқлашди.

Тўрт йил мобайнида олимлар галактикамиз марказидаги Ўқ отар А деб номланувчи нукта яқинида айланаётган юлдузларнинг инфра-кизил тасвирларини кузатишади, уларнинг тезлиги ва тезланишини ўлчашади. Маълум бўлдики, юлдузлар айлананишининг маркази

га олувчи қора туйнук эканлигига энди ҳеч ким шубҳаланмаяпти. Ундаги барча юлдузлар бир-биридан Ер билан Марс орасидаги масофага яқинлигида жойлашган.

Умуман олганда, қора туйнуклар шундай катта зичликка эгаки, уларнинг юзасини ҳатто нур ҳам тарк

нук "ўзини яхши тутиб", яқинидаги юлдузларни ўз домига олмаяпти.

Юқоридаги кашфиёт астрономларга галактика ўз маркази атрофида қай тарзда айланишини ва қандай қилиб қора туйнуклар юлдузларнинг орбитасини ўзгартиришини кузатиш имкониятини беради.

МАЙКЛ ЖЕКсон АФРИКАДА...

Машҳур поп мусиқаси "юлдуз"и Майкл Жексон ҳозирги вақтда Африканинг Свазиленд мамлакатига катта аттракцион истироҳат боғини қуриш имкониятлари муҳокамаси билан машғул. Илгари шунга ўхшаш режаларини Дания ва Польша хусусида ҳам айтган эди.

Шундан сўнг кўшиқчи сўздан нарига ўтмади, деб таъкидлайди АҚШ матбуоти. Шу каби аттракционлар боғининг дастлаб Копенгаген, сўнгра Варшава ёнида яратилиши ҳақида-

ги гаплар бир неча йилдан бери айтилиб келинмоқда. Польшадаги келишмовчиликка Жексоннинг атрофмуҳит муҳофазаси бўйича талабларга риоя қилгиси келмагани сабаб бўлди.

Жексон унча катта бўлмаган Свазиленд давлатининг раҳбарияти, жумладан, қирол Мсвати билан учрашди. Ушбу мамлакатда истироҳат боғи қуриш ҳақидаги битимга яқин орада кўл кўйилиши кутилмоқда, деб хабар қилади New York Daily News.

"ПИНГВИННИ МУЗЛАТГИЧГА СОЛМАНГ..."

"Илтимос, агарда пляжда ҳолсиз ётган пингвинни кўрсангиз, уни музлатгичга солманг: куш иссиқликдан эмас, балки дармонсизликдан оғриаяпти". Рио-де-Жанейро ҳайвонот боғида ишловчи биолог Габриэла Реми шаҳар аҳолисига шундай қақриқ билан мурожаат қилди.

Маҳаллий пляжларда "йиғиб" олинган пингвинлар айнан шу ҳайвонот боғига олиб келинади. Йил бошидан эса Риода бундай воқеалар 200 дан ортиқ қайд этилган. Кунига ўртача, битта пингвиндан "тушиб турган". Шуниси қизиқки, Антарктика тимсоли бўлган куш бу ер табиатида умуман учрамайди. Ҳаммасига эса куйидагилар сабабчи: Магеллан бўғози ҳудудида яшовчи пингвинларни сўнги йиллардаги иқлимий ўзгаришлар туфайли ўз "хулқ"ини ўзгартирган кучли уммон оқимлари бу ерларга олиб келмоқда.

"Бу, умуман, жониворларнинг табиий кўчиши эмас, — тушунтиради биолог. — Ушбу та-

биат ҳодисаси қурбонлари, одатда, ёш ва малакасиз пингвинлар бўлиб, улар бир гала балиқлар кетидан қувиб, қондошларидан узилиб қолишади".

Одамлар билан тўла Рио пляжларига келиб урилайётган пингвинларнинг аксарияти ўта ҳолдан тойган, айримлари акулалар томонидан яраланган ҳам бўлади. Уларнинг учдан бири яшаб қолиши мумкин. Шунда ҳам, агарда унга ўз вақтида мутахассис — ветеринар ёки орнитолог томонидан ёрдам берилса. Лекин кўпчилик буни фаҳмламайди ва ўзича "пингвинларга совуқ ҳаводан яхшироқ нарса йўқ" дея, шу асосда уларга ёрдам кўрсатишмоқчи бўлади.

"Бизга пингвинларни сунъий муз билан тўлдирилган термос — халталар ичида олиб келишарди. Бир онахон эса бизнинг келишимизни кутиб қушни музлатгичда сақлаган", деб ҳикоя қилади Г.Реми.

Ҳолбуки, ўша вақтда "саёхатчи" пингвинлар тинчликка, витамин антибиотикларга муҳтож

бўлишади. Оромни ҳам совуқда эмас, балки иссиқ ваннада олишлари керак, чунки "саёхат" давомида уларнинг қанотлари нефте чиқиндилари билан ифлосланган бўлиши эҳтимоли бор. Шундан сўнг уларни хоҳлаганча балиқ билан озиклантириш мумкин. Тузалиб кетган "асранди"ларни ёки Риода қолдиришади ёки Бразилиянинг бошқа ҳайвонот боғларига жўнатишади.

Шаҳар ҳайвонот боғи бутун бир "пингвинаторий"ни ташкил этди. Ажойиб, мағрур "олифталар" сунъий ҳовуз қирғоғида лапанглаб юриб ёки сувда шаллоплаб сузиб томошабинларни хушнуд этмоқда. Ҳовуз тубида мутахассислар кучли кондиционерли гор ўрнатишган. Ташқарида ҳарорат қирқдан ошганда, пингвинлар ўша ерда паноҳ топишади. Ҳарҳолда бу ер Антарктида эмас-да.

(Саҳифани Интернет хабарлари асосида Жамшид САЪДИНОВ тайёрлади.)

«НИКУДЗЯГА»ГА ҲУШИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Япония маданияти кунлари муносабати билан япон миллий таомлари тақдими бўлиб ўтди. Тақдимотда япон маданияти ва анъаналари билан яқиндан танишишни хоҳлаган барча томошабинлар иштирок этдилар.

Йиғилганларга ҳозирги кунда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ошпаз бўлиб ишловчи жаноб Нагано

япон таомларидан бўлмиш “Никудзьяга” ва “Ганмодоки”нинг тайёрлаш усулини кўрсатиб берди. Томошабинлар бу таомларнинг тайёрлаш усулларини кўрибгина қолмасдан, балки тановул ҳам қилиб кўрдилар.

Ўзбек таомлари билан япон таомлари ўртасида ўхшашлик кўзга ташланиб туради. Бунга мисол қилиб, “Удон” (япон лағмони) ва япон кўкчойи “Оча”ни

айтиш мумкин.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тақдимот маросими иштирокчиларда катта таассу-

Oshxona

рот қолдирди.

Куйида япон таомларидан бири “Никудзьяга”нинг тайёрлаш усулини тавсия қиламиз.

Бу таом учун 600 грамм картошка, 200 грамм мол гўшти, 150 грамм пиёз, 200 грамм сабзи, 2 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 2-3 ош қошиқ шакар, 5-6 ош қошиқ соя мойи керак бўлади.

Картошка, пиёз, сабзи ювилиб, бир хил ҳажмда тўрт бўлакка бўлинади. Қозонга ёғ солиб, 3-4 бўлакка бўлинган гўшт солиниб, бироз қовурилади. Сўнг картошка, сабзи, пиёз ҳам

қўшиб қовурилади. Яхшилаб қовурилган масаллиққа сув қуйилади. Масаллиқ сувда ботиб туриши керак. Баланд оловда қайнатилгач, олов пазайтирилади. Қайнаб чиққанда ҳосил бўладиган кўпик олиб ташланади ва шакар ҳамда соя ёғи солинади. Сўнг 10 минут яна қайнатилади. Қозондаги сув қайнагач, у тайёр бўлади.

Орзугул РУСТАМОВА

РОСТМИ, ЁЛҒОНМИ?

Ташқи кўринишимизни ўзгартириш, янада жозибалироқ кўриниш учун ҳаммамиз ҳам турли гўзаллик рецептларидан фойдаланамиз. Қадди-қоматимизда нуқсон бор, дея озишга ёки семиришга интиламиз. Ана шундай пайтда “ҳаммага маълум фойдали маслаҳатлар”га амал қила бошлаймиз. Хўш, мазкур “гўзаллик тавсиялари” ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми? Куйида шу фикр-мулоҳазаларнинг айримларига изоҳ бермоқчимиз.

Жисмоний машқлар билан шугулланишни тўсатдан тўхтатиш семиришга сабаб бўлади. Тўғри фикр. Чунки беҳаракат қолган мускуллар ташқи кўринишини ўзгартириб, ёғ босади. Тўқималар эластиклигини йўқотади. Кучли овқатларни ейишга хоҳиш пайдо бўлади, тана кўриниши ўзгаради, тана оғирлиги ортади. Бундай ҳолларда дарҳол овқатланиш рационининг калориясини янги ҳаёт тарзига мослаштириш зарур.

Овқатланиш ралаш озишга

Izoh

микдорини чега олиб келади. Нотўғри фикр. Бир кун-

вақтларда овқатланиш меъёр ҳисобланади. Бир марта овқатланмаслик кейинги сафар меъёрдан зиёд овқат тановул қилишга сабаб бўлади. Инсон организми ҳар доимгидан ортиқча калорияни сарф қила олмайди ва уни ёғга айлантиради. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бир кунда уч марта берилувчи таом инсон оғирлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмагани ҳолда кунда бир мартаба овқатланиш оз муддатда семиришга олиб келган.

Хўл мевалар семиртирмайди. Нотўғри фикр. Хўл меваларнинг барчасининг таркибиде шакар бор, айниқса, узум, бананда бошқаларига нисбатан кўп микдорда шакар мавжуд. Парҳезга риоя қилганимизда, биз янги меваларнинг маълум микдорини тановул қилишимиз керак.

Овқатдан сўнг чой ёки ичимлик ичиш семиришга сабаб бўлади. Нотўғри фикр. Баъзан пепси-кола, кока-кола, мевалар шарбати каби ўта ширин ичимликларнинг ўзи семиртиради. Сувда калория йўқ, аммо сув билан ейилган овқат иштаҳани оцади. Бизнинг организмимизга ҳар кун бир ярим-икки литр сув керак. Шунинг учун овқатланиш вақтида сув ёки чой ичмасликка ҳаракат қилиш керак.

СУВ ОСТИДАГИ НИКОҲ

Жанубий африкалик Майкл ва Леони Маре ўртасида тузилган никоҳ маросими дунёда ҳеч бир маросимларга ўхшамайдиган никоҳ бўлди.

Ўзаро турмуш қуришни истаган бу икки африкалик йигит-қиз ўз никоҳ маросимларини океанариумда — атрофдан акулалар хужум қилиб турган бир алфозда ўтказиш мақсадида эканликларини билдирганларида аввалига кўпчилик ҳайрон қолган бўлса, баъзиларнинг энсаси ҳам қотгандай бўлди. Аммо тўйлари ҳеч кимнига ўхшамаган, шовшувли тўй бўлишини истаган Майкл ва Леони бу гапларга парво ҳам қилишмади — никоҳ маросими ўзлари хоҳлаганларидай сув остида, акулалар куршовида ўтди.

Куёв ва келин аквалангчилар кийимида ён-ёнма юриб, тўғрироғи, сузиб никоҳ залига, аниқроғи, океанариумга кириб келишди. Леони кўлида пластик гул тутиб олди, Майкл эса никоҳ ўзугини ҳимоя белбоғига қадаб қўйди. Аммо

уларга олам-олам завқ бағишлаган бу маросим унинг асосий иштирокчиси бўлиши керак бўлган роҳиб учун жуда катта қийинчилик, кўрқувдан ўзга нарса бўлмади. Бироқ, начора, Жейсон Боуэн исми бу роҳиб ёш келин-куёвлар билан ҳаётида биринчи бор сув остига тушиш олдиқдан, махсус ўқитувчилар ёллаб бир неча марта сувда сузишни, сув остида юришни машқ қилишга мажбур бўлди.

Акулалар, гарчи океанариум хизматчилари томонидан мунтазам кузатув остида бўлса ҳам, иштирокчиларнинг кўркуви сабабли ўртада бир неча мартаба маросим узилишига тўғри келди. Бироқ шундай бўлса-да, кўзда тутилган мақсадга эришилди. Ҳозир бу никоҳ маросими ҳақида бутун дунё газеталари ёзишмоқда. Ахир битта тўй учун бундан ортиқ шов-шув бўлиши мумкинми!

Рустам ЭГАМОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси



Тўл бўлиб, тулун ёниб...

Жанубий Хитойнинг доим яшил тоғ ўрмонларида, Меконг дарёсининг юқори оқимлари ва Хайвань оролида яшовчи деҳқонлар ҳозир ҳам ёввойи чойзорлардан ҳосил йиғиб олишади. Бу жойларда, худди минг йиллар илгаридек, барг куртакларини кумушранг қаттиқ туқлар қоплаган дарахт ва буталар учрайди. Кумушсимон туқ билан қопланган куртаклар ҳамда эндигина ёзилган ёш барглardan одамлар жуда қадим

рини егач анча чаққон, ўйноқи бўлиб қолиб, тик тепаликларга илдам чиқиб олишларини сезишибди. Бунга қизиқиб қолган одамлар “илоҳий барглари” одатдаги шифобахш гиёҳлар сингари, қуритиб оладиган бўлишибди.

Одамни тетиклантирувчи “чой” деб аталувчи ичимлик тўғрисида маълумотларни эрамиздан аввалги 2700 йилга доир хитой кўлэмаларида учратиш мумкин. Ўша қадим замонларда яшил барглари

Эрамизнинг 770 йилларида мансуб бўлган манбаларда чой ризқ-рўз неъматлари жумласига қирадиган масалликдир, деган ҳужжатли далиллар учрайди. Хань сулоласи даври (эрамиздан аввалги II-I асрлар)да чой энди тижорат моли тариқасида майдонга чиқади. Тетиклаштирадиган бу янги ичимлик эрамизнинг бошларида император саройи маросимларида расм бўлиб қолди.

V асрда императорга бе-

“ОҚ КИПРИКЧАЛАР” ТАРИХИ

замонларданоқ баҳридилни очувчи, тетиклантирувчи ва чарчоқ қолдирувчи дамлама тайёрлашни билишган. Байхоа (“оқ киприкчалар”) деган хитойча сўз олий нав чойларнинг умумий номига айланган. Бошқа тилларга ҳам ўтган бу сўз ўзининг дастлабки маъносини аста-секин йўқотиб қўйди, масалан, тахталанмаган сочилувчан чойлар “байховий” деб атала бошлади.

Жанубий Осиёда чойни маҳаллий чўпонлар кашф этганлиги тўғрисида ҳам ривоят бор. Чўпонлар қўйларини ўтлатиб юрганларида хайвонлар доим яшил бута баргла-

қуритиб ғамлаб қўйишни билишмасди, ундан янгилигида фойдаланишар эди. Янги барглardan тайёрланадиган ичимлик аччиқ бўлганлиги учун унинг ичига турли хил зирavorлар қўшган тақдирдагина ичиш мумкин бўлган, холос. Чой барглари қайта ишлаш сирлари билиб олинганидан кейингина қайноқ дамламани ара-лашмаларсиз ва қандсиз ичадиган ва у билан чанқоқни ҳамда очликни босадиган бўлишди. “Хуа То ши цзин” (“Хуа То ҳакимнинг масаллиқлар тўғрисидаги битиклари”) деган китобда: “Узоқ муддат чой ичиб юриш мия ишини ро-стлайди” дейилган.

риладиган ўлпон шу янги мол билан тўлана бошланди, 732 йилда эса харидоргир бўлиб қолган бу маҳсулотга солиқ солинадиган (ҳосилнинг учдан бири олинадиган) бўлди.

Шу даврда машҳур хитой сарой шоири Лувунинг уч жилдли асари — “Чой тўғрисидаги мўътабар китоб”и (“Чакин”) яратилди. 780 йили жаҳонда биринчи марта “Чой тўғрисидаги рисола” (“Чацзин”) яратилди, бу асарда шу ўсимликни етиштириш, ҳосилни ишлаш, ундан маҳсулот тайёрлаш ва бу маҳсулотларни истеъмол қилиш тажрибаси умумлаштириб берилди.

НАКДАУН БЎЛИШДАН
ЧЎЧИДИ

“Темир” Майк учун 2000 йил анча омадли келди, дейди спорт мутахассислари. Гарчи у қамокқа ташланиб, “муносиб” жазоланган бўлса-да, жорий йилда 3 учрашувини ҳам галаба билан якунлади. Польшалик Анжей Голота ўртасидаги шиддатли кечган баҳсда учрашувнинг 2-раундида Голота рингни ўз ихтиёри билан тарк этди. Қизиги шундаки, жанг реферилар рухсатисиз, фақат рақибнинг хоҳиши билан тўхтаб қолди. Хатто Голотанинг мураббийи Ал Сертонинг баъзи уринишлари ҳам зое кетди.

ОЛИМПИДАЧИНИНГ
МАҒЛУБИЯТИ

Сидней—2000 олимпиада-си чемпиони, ядро улоқтириш бўйича ёшлар ўртасида мутлак жаҳон рекордчиси, польшалик Камила Сколимовская Чилида бошланган навбатдаги жаҳон чемпионатининг илк кундаёқ мусобақани тарк этишга мажбур бўлди. У саралаш баҳсларида 10-ўринни қўлга киритди, холос.

ФУТБОЛЧИГА ХОС
БЎЛМАГАН ҚИСМАТ

21 ёшли К.Халдан исмли навқирон румин футболчиси юрак оғриги билан касалхонага етмасдан вафот этди. Футболчи таъқилланган куватдоридан оламдан ўтган, дея хулоса чиқарди суд-тибиёт экспертизаси институти директори В.Белис.

Таъқилланишича, жамоа врачлари ўйиндан олдин ўйинчини назоратдан ўтказмаган. Акс ҳолда фожеа рўй бермаган бўларди.

«БАРИБИР ГОЛИБ
БЎЛАМАН»

дейди ўзбекининг қизи Ирода Тўлаганова. Кечагина Шанхайда якунланган АТР тур таснифида кирувчи халқаро турнирдан иккинчи ўрин билан қайтган теннисчимиз натижадан коникмаган кўринади. Мукофот миқдори 140000 АҚШ доллари миқдоридаги беллашувда финал иштирокчиси бўлган Ирода дунё тенниси таснифидаги мавқеини айтари даражада кўтариб олди. Турнир олдида 112-ўрин, кейин эса, 77-поғона.

Аввал хабар берганимиздек, ушбу мусобақалар Халқ таълими вазирлиги ташаббуси ҳамда Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари кўмитасининг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилади. Мақсад — умумтаълим мактаб ўқувчиларини оммавий спорт турларига кенг ва мунтазам жалб этиш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш, шунингдек, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун, “Соғлом авлод” Давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 1993 йил 25 март 157-сон, “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1999 йил 27 май 271-сон қарорларини амалга оширишдан иборат. Бунинг учун мамлакат ижтимоий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи муассасалар, корхона ва ташкилотларнинг ҳам шу мақсад йўлида бир тан-бир жон бўлаётгани бежиз эмас. Зеро, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”.

Хуллас, оммавий ахборот воситалари, хусусан “Маърифат” газетаси орқали мана шундай кенг қамровли мусобақалар ташкил этилиши ҳақидаги хабар тарқатилган, тахририятимизга “саволлар ёмғири” ёға бошлади. Ва бу саволларга (улар жудаям кўп) телефон ёки оғзаки суҳбат орқали жавоб беришнинг уддасидан чиқа олмайдиган кўринамиз. Шу боис, азиз муштарийларимиз номидан атрофлича маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган умумтаълим мактаб ўқувчиларининг “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” шиори остидаги спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича тузилган Ташкилий кўмита котиби, ХТВнинг жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Зайниддин Икромовга мурожаат қилдик:

— Маълумки, Республика миқёсидаги ўқувчиларнинг спорт мусобақалари бу йил биринчи бор ўтказилаётгани йўқ. Бундай тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ оммавий, кенг миқёсда ўтказиш келинмоқда. Демокриманки, истиқлолимизнинг 10 йиллигига бағишлаб уюштирилаёт-

ган спорт мусобақаларининг тамал тоши қўйилган. Лекин фарқ айтарли даражада катта. Биринчидан, ўқувчилар ўртасидаги ушбу мусобақаларда ҳар бир ўқувчи қатнашиши мумкин. Қолаверса, ушбу тадбир орқали бугунги ёш авлод ўз имкониятларини, таълим-тарбияга мутасадди бўлганлар ўз фидойилигини, ҳукуратимиз эса бунга эътиборини намойён қилади. Ниҳоят, жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашишига, кенг миқёсда ривожланишига амалда эришамиз. “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” шиори остида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари — 2001» Республика спорт мусобақалари 2000-2001 йилларда тўрт босқичда ўтади.

МАКТАБ МУТАСАДДИЛАРИ, ТАЙЁРМИСИЗ?

Жонажон юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” шиори остида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари — 2001» Республика спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

I—босқич — умумтаълим мактабларидан шу йил ноябрь-январь ойларида синфлараро ўтказилади.

II—босқич — туман (шаҳар) миқёсида 2001 февраль ойида мактаблараро бўлиб ўтади.

III—босқич — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бўйича март ойида туман (шаҳар) лараро уюштирилади.

IV—босқич — Республика финал катта спорт байрами мусобақалари 2001 йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлади.

Жойларда шунга эътибор қаратиш лозимки, ҳар бир спорт тури бўйича жамоа мактабларда, голиб синф таркибида тузилади. Кейинги барча босқичларда айнан шу мактаб жамоаси мактаб, туман, вилоят шарафини ҳимоя қилади. Ҳозирга қадар ушбу мусобақаларнинг

Низомини ишлаб чиқдик ва у тез кунда жойларга етказилади. Ҳар бир босқич қатъий низом асосида, холис, барча синфларни жалб этган ҳолда юқори савияда, байрамона тусда ўтиши учун чора-тадбирлар режаси ташкилотчи муассасаларнинг вилоят бўлимлари томонидан тузилади.

Мусобақаларни ўтказиш юзасидан ҳаражатлар (овқатланиш, жойлаштириш, ҳакамлар ва тиббиёт ходимларига, диплом, афиша, вимпелларга ҳақ тўлаш) Халқ таълими вазирлиги, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари кўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Фи-

4. Кураш (ўғил ва қиз болалар).
5. Стол тенниси (ўғил ва қиз болалар).
6. Футбол (ўғил болалар).
7. Енгил атлетика (ўғил ва қиз болалар).
8. Шахмат (ўғил ва қиз болалар).

Нима учун спорт турлари ичидан шу саккизтаси танлаб олинган, деган савол туғилиши табиий. Аввало, бу турлар оммавий. Шунингдек, улар бўйича исталган таълим муассасасида мусобақаларни ташкиллаштириш, жиҳозлар ва майдонлар билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал этиш мумкин. Бунинг учун мактаб раҳбарлари биров ташаббускор, ташкилотчи, бошқача айтганда ислохотлар қозонида қайнаётган инсон сифатида бу ишга жиддий муносабатда бўлсалар кифоя. Шундагина унда барча ўқувчилар иштирокини таъминлаш, уларнинг жисмоний маданиятини юксалтириш, келажақ авлодни оммавий тарзда соғломлаштириш имкониятига эга бўламиз. Яна бир муҳим томони, мусобақалар биз учун энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланганидир. Унда иштирок этмаслик, турли сабаб ва баҳоналар билан мусобақалардан четда туриш орийатли таълим мутасаддиларига хос эмас, деб биламан. Негаки, кейинги йилларда замон билан ҳамнафас, муносиб кишилар жойларда давлат сисёсати даражасига кўтарилган соғломлаштириш масаласига жиддий қараб, керакли шарт-шароитлар ярата олди. Таъқидлаш жоизки, бу йил мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон” ҳарбий ва танпарварлик кўшиқлари фестивалларидан тушган маблағлар ҳисобига вилоятларнинг энг чека қишлоқларидаги спорт анжомлари билан таъминланган ўнлаб мактаблар ҳам ўзларини кўрсатади, деб ўйлайман. Ниятимиз — кенг қўламли тадбирлар ўқувчи-ёшлар қалбидан жой олсин, уларни юксак чўққиларга чорласин, улар ҳар йили ўқувчилар спорт олимпиадасини соғиниб кутадиган бўлсин!

Ф.КАРИМОВ ёзиб олди.

Olimpiada umidlari — 2001

докорлар Миллий демократик партияси, “Камолот” жамғармаси, “Ёшлар” телеканали, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Халқаро кураш ассоциацияси, “Пахтабанк”, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компанияси, “Тасвирий ойна» уюшмаси, “Тарона рекордс” компанияси ҳамда ҳомийлар ҳисобидан, бошқа ҳаражатлар сафарга юборувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Мусобақаларни ўтказишга умумий раҳбарликни ташкилотчилар томонидан тасдиқланган ташкилий кўмита ва ҳакамлар ҳайъати амалга оширади.

Беллашувлар барча босқичларда қуйидаги спорт турлари бўйича ўтказилади:

1. Баскетбол (ўғил ва қиз болалар).
2. Волейбол (ўғил ва қиз болалар).
3. Қўл тўпи (ўғил ва қиз болалар).

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ 2000 йилнинг ноябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:

1. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти) — ўзбек — 6-25 — 18.
2. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (мутахассислиги тарих-география) — ўзбек — 6-25 — 18.
3. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари (мутахассислиги химия-биология ва физика) — ўзбек — 6-25 — 18.
4. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари (мутахассислиги математика ва информатика) — ўзбек — 6-25 — 18.
5. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари (мутахассислиги рус ва хорижий тиллар) — ўзбек — 6-25 — 18.
6. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари (директорлик лавозимида 5 йилгача ишлаётганлар) — ўзбек — 6-25 — 18.
7. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (директорлик лавозимида 10 йилдан ортиқ ишлаётганлар) — ўзбек — 1-14 — 12.
8. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари курси (янги педагогик технология бўйича) — ўзбек — 15-28 — 12.
9. Туман (шаҳар) ХТБ ижтимоий фанлар бўйича ме-

- тодистлар курси — ўзбек — 6-25 — 18.
 10. Спорт мактаби директорлари — ўзбек — 6-25 — 18.
 11. Спорт мактаби тренер-ўқитувчилари: футбол бўйича — ўзбек — 1-14 — 12.
 12. Мактаб амалиётчи-психологлари — ўзбек — 1-14 — 12.
 13. Ёрдамчи мактаб-интернат она тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек — 1-14 — 12.
 14. Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларининг тарбиячилари — ўзбек — 15-28 — 12.
- Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.
- Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог-олимлар ўқув режа, дастур, стандартлар ҳақида маърузалар қиладилар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи, Хотира, Шаҳидлар майдонлари ҳамда бошқа зиёратгоҳларга экскурсия уюштирилади.
- Режада кўрсатилган мuddатга етиб келмаган тингловчилар курсларга қабул қилинмайди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 2000 йилнинг ноябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича режалаштирилган:

- 1.Мактабгача таълим муассасаси мудиралари:
1.11.2000 - 28.11.2000.
 - 2.Мактабгача таълим муассасаси услубчилари:
1.11.2000 - 28.11.2000.
 - 3.Вилоят малака ошириш институти мутахассислари:
6.11.2000 - 11.11.2000.
 - 4.Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари:
6.11.2000 - 25.11.2000.
- Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва “Темурийлар тарихи” ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.
- Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болалик тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткали ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент - 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспортлар: Жанубий темир йўл вокзалидан: 8-троллейбус, “Талабалар шаҳарчаси” (охирги) бекати.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй. Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг «Талабалар шаҳарчаси» бекатигача.

O'ZBEKISTON TABIIY GEOGRAFIYASI

7-sinf
O'zbekistonning
geografik o'рни
Aholisi va
ma'muriy
bo'linishi
O'zbekiston
tabiati va tabiiy
boyliklarini
o'rganish
tarixidan

AYLANMA
KROSSVORD

Belgilangan xonadan soat mili yo'nalishida raqam atrofiga:

1. O'zbekiston hududining eng shimoliy va eng g'arbiy chekka nuqtalari joylashgan plato. 2. Atrof, muhit, borliq. 3. Nomdosh viloyat va shahar. 4. Mamlakatimiz geografiasiga oid ma'lumotlar yozib qoldirilgan X asr allomasi, vatandoshimiz. 5. Tojikiston bilan chegar hududdagi tizma tog'. 6. Hind okeanidan tog'lar bilan to'silganligi uchun respub-likamiz hududiga kirib kelishi to'silgan nam va quruq havo oqimi. 7. O'zbekiston hududidan olisda bo'lgan bepoyon suv havzasi. 8. Geografiyadan o'quv quroli. 9. Poytaxtimiz. 10. Aholining asosiy millati. 11. Amudaryo va Sirdaryo oralig'idagi cho'l. 12. Asarlarida diyorimiz tabiatiga oid manbalar yozgan o'rta asr qomusiy allomalaridan biri. 13. Janubdagi tog'. 14. O'lkamiz tabiatiga oid yozma man-balar muallifi bo'lgan I asr yunon olimi, "Geografiya" asari muallifi. 15. Mam-lakatimizda yashovchi millatlardan biri. 16. O'zbekiston bilan taxminan bir geografik kenglikda joylashgan Osiyo va yevropa

hududidagi mamlakat. 17. Farg'ona vodiysining shimoli-g'arbiy chekkasi bo'ylab cho'zilgan tizma. 18. Quruq va sovuq havo oqimi keluvchi tomon. 19. Qirg'iziston bilan chegaradagi tizma. 20. Yirik daryolardan biri. 21. Amudaryo sohilidagi viloyat. 22. Qizilqum, Mirzacho'l, Turkiston tizmasi va uning tarmog'i joylashgan viloyat. 23. Yaqinida diyorimiz

hududining janubiy chekka nuqtasi joylashgan shahar.

CHAYNVORD

24. O'zbekiston hududi joylashgan materik. 25. Dengiz. 26. Yer tuzilishi, tuprog'i, iqlimi, o'simlik va hayvonot olami, xo'jalik faoliyati majmui. 27. O'rta asr tilshunos allomasi tomonidan tuzilgan dunyo

xaritasida aks etgan tog'lardan biri. 28. Turkmaniston bilan chegaradagi ko'l. 29. Yetishtiriladigan ho'l mevalardan biri. 30. Bir xil kenglikda joylashgan yevropa qit'asidagi davlat. 31. Asosiy daryolardan biri. 32. Dam olish maskani. 32. Tizma tog'. 34. Davlat tuzumi. 35. Aholisi zich joylashgan viloyat. 36. Qazilma yoqilg'i alyosiyosi. 37. Chegaradosh

Endi shakl atrofidagi raqamlarni ochqich javoblaridagi taalluqli harflar bilan almashtirib muammomanomani hal eting. Ulardan ona Vatanimiz tabiiy geografiasiga oid tarixiy manbalar bayon etilgan uchta asar nomini bilib olishga muvaffaq bo'lasiz. Ushbu nodir asarlar nomini bilasizmi?

Foziljon ORIPOV

Gazetamizning shu yil 21 oktyabr sonida berilgan
"O'zbekiston" aylanma krossvord javoblari.

AYLANMA KROSSVORD JAVOBLARI

Belgilangan xonadan soat mili yo'nalishida raqam atrofiga:

1. Madina. 2. Muqanna. 3. Suriya. 4. Xuroson. 5. Buxoro. 6. Tabariy. 7. Xalifa. 8. Jabroil. 9. Nishopur. 10. Tarxun. 11. Marvon. 12. Maymurg'. 13. Maxivon. 14. Shavval. 15. Karmana. 16. Ma'mun. 17. Musulmon. 18. Bag'dod. 19. Qutayba. 20. Maxoliy. 21.

Poykand. 22. Zodagon. 23. Dirham. 24. Narshax. 25. Shopirkom. 26. Ummaviy.

CHAYNVORD

27. Movarounnahr. 28. Romiton. 29. Nuh. 30. Xo'jand. 31. Dodud. 32. Divashtich. 33. Chorva. 34. Ali. 35. Islom. 36. Makka. 37. Afrosiyob. 38. Boj. 39. Suzya. 40. Ajam.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ(масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмаханаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА,
Нурлан УСМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-917.
Тиражи 19.037.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида
босилган, қоғоз бичими
А-3.

Босишга тошпириш вақти — 20.00.
Тошпирилди — 20.00



respublika. 38. Respublika poytaxti. 39. O'zbekiston hududi yer sharidagi joylashishiga ko'ra yuzaga kelmagan mo'tadil iqlim. 40. Janubi-g'arbdagi tog'. 41. Miloddan avvalgi V asrda yashab o'tgan o'lkamiz tabiatiga oid ilk ma'lumotlarni yozib qoldirgan yunon tarixchisi. 42. Balandlik, tog'lar bo'lmagan asosiy maydoni. 43. Ekiladigan texnika ekini turi. 44. Eramizning 90-160 yillarida yashab o'tgan qadimgi dunyo tabiatiga oid manbalar yozib qoldirilgan yunon olimi.

MUAMMONOMA

Avvalo quyida ta'riflanib, raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib ochqichni hal eting.

1. Hukmronlik yillari tabiatshunoslik fanlari qatorida tabiiy geografiya fani ham yuksalgan buyuk munajim va ma'rifatparvar olim — 16, 15, 16, 4, 9, 10, 7.

2. Vodiylardan biri — 11, 6, 8, 4, 2, 13, 6.

3. Ko'plab konlari bo'lgan nodir ma'dan — 2, 15, 1, 17, 13.

4. Tabiiy hodisa — 12, 6, 3, 2, 15.

5. Tog'ning o'tish qulay bo'lgan joyi — 5, 2, 14, 2, 13.